Кириб келаётган Янги йилингиз муборак бўлсин!

БИЗНИНГ ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ БУНЁДКОР ХАЛҚИМИЗДИР!

# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

2019

UZBUNYODKOR
UZBUNYODKOR
uzbunyodkori@mail.ru

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

№102 (247) 2018 йил 28 декабрь, жума

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯ, ТУРКМАНИСТОН, ҚОЗОҒИСТОН ВА ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 декабрь куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдўғон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлат раҳбарлари кириб келаётган Янги йил муносабати билан бир-бирларини самимий қутлаб, эзгу тилаклар билдирдилар.

Ўзаро ҳамкорликнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди, 2018 йилда олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш ва амалий ҳамкорликни кенгайтириш якунлари сарҳисоб қилинди, кўп қиррали шерикликни мустаҳкамлашнинг истиқболли йўналишлари ва аниқ лойиҳалари кўриб чиқилди.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан мулоқотда давлат раҳбарлари Ўзбекистон – Россия дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари жадал ривожланиб, изчил мустаҳкамланиб бораётганини чуқур мамнуният билан қайд этдилар.

Россия Федерацияси Президентининг жорий йил октябрь ойида мамлакатимизга давлат ташрифи икки томонлама ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариб, уни аниқ амалий мазмун билан бойитгани таъкидланди.

(Давоми 2-бетда)










Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## Қурилаётган арзон уй-жойлар сифати депутатларнинг қизғин мунозарасига сабаб бўлди

**2018 йил 25 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ўтказилган навбатдаги «Ҳукумат соати»га қуйи палатадаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг ташаббуси билан «Шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш борасида амалга оширилаётган ишлар, истиқболдаги вазифалар тўғрисида»ги масала киритилди.**

Мазкур масала юзасидан депутатлар саволлари бўйича Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири А. Тўхтаев атрофлича маълумот берди.

Маълумки, Президентимиз ташаббуси билан шаҳарларда арзон кўп квартирали уйлар ҳамда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши аҳолининг йиллар давомида ушалмаган орзуларини рўёбга чиқармоқда. Шу орқали юртимизда кўп йиллардан буён аҳолини қийнаб келаётган йирик ижтимоий муаммолардан бири жадаллик билан ҳал этилмоқда.

2018 йилда жами 13 917 хонадонли 335 та уй-жой қурилиши режалаштирилган эди. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг ҳудудларга ташрифлари чоғида берган топшириқларига асосан эса қўшимча 90 та уй бунёд этилиши белгиланган. Шулардан 79 та кўп қаватли уй-жой фойдаланишга топширилган. Қолганларида қурилиш-монтаж ишлари давом этмоқда.

(Давоми 2-бетда)

## Тараққиётни мустаҳкамлаш йили

**Ўтаётган ҳар бир кунимиз тарих мулкига айлангани сингари 365 кунни ўзида мужассам этадиган ҳар бир йилнинг ҳам тарих саҳифасида қолдирган излари башарият мулкига айланиши шубҳасиз. Шу жиҳатдан қараганда, якунланаётган 2018 йил Ўзбекистон халқи тақдири, ҳаётида қандай из қолдирди?**

Албатта, бу саволга бир сўз билан қисқа жавоб бериш мушкул. Бироқ муайян даврда йўқдан бор бўлган бунёдкорлик қурилишлари тарих мулкига айланиб, барпо этилган йилларнинг мазмун-моҳиятини ўзида мужассамлантиради ва ўтаётган ҳар бир йилимизнинг тарихда қолдиражак изларини ёрқин тасаввур этиш имконини беради.

Шу маънода 2018 йил Ўзбекистон халқи учун тараққиётнинг янги даврида миллий мустақилликни мустаҳкамлаш, мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, халқимизни ҳаётдан рози қилиш, маънавий тараққиётнинг юксак босқичларига эришиш борасида омадли ва бетакрор бўлди, деб айтишга ҳақлимиз. Жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнимиз ҳар жиҳатдан мустаҳкамланиб, мамлакатимизнинг халқаро кўламдаги обрў-эътибори янада ошгани, Президентимиз томонидан амалга оширилаётган ислоҳотлар жаҳон афкор оммасининг эътирофи ва хайрихоҳлигига сазовор бўлаётгани ҳам фикримиз тасдиғидир.

2018 йили мамлакатимизда амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари юртимизнинг бутунлай янги қиёфасини яратиш, энг аввало, халқимизнинг уй-жой шароитларини яхшилаш, аҳоли учун зарур маданий-маиший қулайликлар яратиш, турмуш савияси ва сифатини, хизмат кўрсатиш маданиятини юксалтириш, тиббиёт ва мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, янги иш ўринлари очиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик субъектлари учун қулай ишбилармонлик муҳити ташкил этиш, аҳолига давлат хизматлари кўрсатишни замон талаблари даражасига кўтариш каби эзгу мақсадларга хизмат қилаётир.

Ўзбекистоннинг туризм ва сайёҳлик салоҳиятидан кенг кўламда фойдаланиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳам ана шу жараённинг узвий қисми бўлиб, туризм индустриясини вужудга келтириш аҳоли фаровонлиги ва унинг реал даромадларини ошириш, мамлакатнинг ҳар жиҳатдан ривожланган давлатлар сафидан ўрин олиши учун замин ҳозирлайди.

Бу борада 2018 йилда амалга оширилган ишларга назар ташлаганда, қадимий Хиванинг янгича ҳусн касб этганини айтиб ўтиш жоиз.

Давлатимиз раҳбари 2017 йил январь ойида Хоразм вилоятига ташрифи чоғида Урганчдан Хивагача темир йўл ва Хива шаҳрида замонавий вокзал барпо этиш, бу йўлда электропоездлар, келгусида юқори тезликда ҳаракатланувчи «Afrosiyob» тезюрар поезди қатновини йўлга қўйиш лозимлигини қайд этган эди. Қисқа фурсатда бу эзгу ташаббус ҳам амалга оширилди. Фойдаланишга топширилган янги темир йўл вокзали биноси Хоразм меъморчилиги намуналарини ўзида акс эттириб, унда замонавий VIP зал, она ва бола, тиббиёт хоналари мавжуд бўлиб, у ерда 35 ишчи бир вақтнинг ўзида 200 йўловчига хизмат кўрсатади. 20 ўринли меҳмонхона юртдошларимиз ва сайёҳларга қўшимча қулайлик яратади. Вокзалдан «Ичан қалъа» музей-қўриқхона мажмуасигача бўлган масофа 2 километр. Бу шаҳарда туризмни янада ривожлантириш, сайёҳларни жалб этишда муҳим аҳамият касб этади.

Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарлари оралиғидаги 124 километр масофадаги темир йўл тармоғи қайта қурилиб электрлаштирилиши туфайли эндиликда пойтахтдан Шаҳрисабзга «Afrosiyob»нинг шинам поездида тўрт соат ичида етиб бориш мумкин бўлди.

(Давоми 3-бетда)









Давлатимиз раҳбарининг «2018 йилда уй-жой қурилишини ривожлантириш мақсадли дастурларини самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ аҳоли учун жами 16 360 та арзон уй қурилиши белгиланган.



# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯ, ТУРКМАНИСТОН, ҚОЗОҒИСТОН ВА ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Барча даражада жадал ва изчил алоқалар йўлга қўйилгани, Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия самарали фаолият юритаётгани қайд этилди.

Ҳудудлар ва бизнес даражасидаги мулоқот фаоллашди. Жорий йил кузида Тошкент шаҳрида ўзаро муносабатлар тарихида илк бор ҳудудлараро ва таълим форумлари ўтказилди.

Ўзаро савдо ҳажми ортмоқда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб беришда «яшил йўлак» жорий этилди. Мамлакатимизда, жумладан, энергетика, нефть-газ, кимё, машинасозлик, электротехника, тўқимачилик, озиқ-овқат ва бошқа кўплаб тармоқларда Россиянинг етакчи компания ва банклари иштирокида йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Апрель ойида Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси ишга туширилди, октябрь ойида яна бир ғоят муҳим лойиҳа – Ўзбекистондаги биринчи атом электр станцияси қурилиши лойиҳасига старт берилди.

Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида, жумладан, мамлакатимизда Россиянинг етакчи олий таълим муассасалари филиалларини очиш бўйича қўшма дастурлар амалга оширилмоқда.

Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов билан мулоқотда 2018 йил қардош мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасида дўстлик, яхши қўшничилик ва шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш даври бўлгани алоҳида таъкидланди.

Президент Гурбангули Бердимуҳамедовнинг жорий йил апрель ойида Ўзбекистонга самарали давлат ташрифи ҳамда август ойида Аваза шаҳрида бўлиб ўтган Оролни қутқариш халқаро жамғармаси саммити доирасидаги учрашувларнинг амалий натижалари икки томонлама ҳамкорлик ва минтақавий шериклик ривожига янги суръат бағишлади.

Тошкент ва Ашхободда миллий кўргазмалар ва ишбилармонлик тадбирлари муваффақиятли ўтказилгани, Ишбилармонлар кенгашининг ташкил этилгани товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ҳамда иқтисодиётнинг турли тармоқларида кооперацияни кенгайтиришга хизмат қилди.

Давлат раҳбарлари минтақанинг транзит салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган лойиҳаларни илгари суриш муҳимлигини ҳамда фаол ҳудудлараро ва маданий-гуманитар алоқаларни изчил давом эттириш тарафдори эканини таъкидладилар.

Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев билан мулоқотда давлат раҳбарлари Қозоғистонда Ўзбекистон йили деб эълон қилинган 2018 йилда икки томонлама муносабатлар янги суръат, сифат ва мазмун касб этганини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Ўзбекистон билан Қозоғистоннинг кўп қиррали ҳамкорлигини кенгайтиришнинг таъсирчан механизмига айланган Ҳукуматлараро қўшма комиссия доирасидаги учрашувлар мунтазам ўтказилмоқда. Ноябрь ойида биринчи Ҳудудлараро ҳамкорлик форуми муваффақиятли ташкил этилди.

Ўзаро савдо ҳажми юқори суръат билан ортмоқда, машинасозлик, электротехника, озиқ-овқат саноати, туризм, транспорт ва логистика соҳаларида кооперация дастурлари ва лойиҳалари амалга оширилмоқда. Маданий-гуманитар алмашувлар жадаллик касб этгани қайд этилди.

Бугунги кунда 2019 йилда Ўзбекистонда Қозоғистон йили доирасида кўплаб йирик тадбирлар ўтказишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдўғон билан суҳбатда олий даражадаги жадал мулоқотлар, ўтган йил кузида Анқарага ва жорий йил баҳорида Тошкентга ўзаро тарихий ташрифлар икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаргани таъкидланди.

Сиёсий соҳада конструктив ҳамкорлик ривожланмоқда, парламентлараро мулоқот фаоллашди.

Савдо-иқтисодий, инвестициявий ва молиявий-техник ҳамкорлик кенгаймоқда. Экспорт ва импорт ҳажми жадал ортмоқда. Туркиянинг етакчи компаниялари иштирокида шаҳар, транспорт-логистика ва туризм инфратузилмаларини модернизация қилиш, мамлакатимизда замонавий саноат корхоналари барпо этиш бўйича қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик мустаҳкамланиб бораётгани, шунингдек, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида лойиҳалар амалга оширилаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Якунда давлат раҳбарлари мамлакатларимиз ўртасида дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, кўп қиррали ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш борасида интилишлари қатъий эканини таъкидладилар.

Президентлар янги – 2019 йилда мамлакатларимиз халқларига тинчлик, фаровонлик ва равнақ тиладилар.

**ЎзА.**



# Қурилаётган арзон уй-жойлар сифати депутатларнинг қизғин мунозарасига сабаб бўлди

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 18 январдаги «2018 йилда уй-жой қурилишини ривожлантириш мақсадли дастурларини самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ эса аҳоли учун жами 16 360 та арзон уй қурилиши белгиланган. Шундан 5 942 тасида қурилиш-монтаж ишлари якунланиб, фойдаланишга топширилган.

Бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилаётган, қурилиш ташкилотлари учун қатор имтиёзлар берилаётган бир пайтда кўплаб камчиликлар ҳам учраб тургани «Ҳукумат соати»да таъкидлаб ўтилди.

Депутатлар халқимизни уй-жой билан таъминлаш, қурилиш ишларини сифатли ва ўз вақтида якунлаш, шунингдек, ҳудудларда бунёд этилаётган уйлар атрофида инфратузилмаларни яратиш борасидаги масалалар, одамларни ўйлантираётган муаммолар хусусида жиддий саволлар билан мурожаат этдилар. Айниқса, депутатларнинг эътирозига сабаб бўлган масала – Тошкент, Сирдарё, Навоий ҳамда Хоразм вилоятларида қурилиши режалаштирилган 4 539 та уй-жойдан бугунги кунгача бирортаси ҳам фойдаланишга топширилмаганига изоҳ сўралди.

Депутатларнинг фикрича, уй-жой қурилиши борасида топшириқлар ижросини муддатидан олдин бажариш, ҳисоботлардаги статистиканинг ижобий бўлишини таъминлаш илинжида маҳаллий ҳокимликлар томонидан ҳам бир қатор камчиликларга йўл қўйилганидан кўз юмиб бўлмайди. Чуқур ўйланмасдан, тегишли хулосалар асосида иш олиб борилмаслиги баъзи ҳудудларда қуриб битказилаётган уй-жойларга аҳолини жойлаштиришда қийинчиликларни юзага келтирмоқда.

Вазир депутатлар саволларига жавоб қайтарар экан, бундай ҳолатларга нисбатан вазирлик ва тегишли инспекция томонидан ҳам жиддий назорат олиб борилаётгани, камчиликларга йўл қўйган мутасаддиларга нисбатан чоралар кўрилаётганини қайд этди. Ўз навбатида, назорат қилувчи ва қурилиш объектларини қабул қилиб олувчиларнинг ҳам масъулиятини ошириш юзасидан ўз мулоҳазаларини билдириб ўтди.

«Ҳукумат соати» доирасида берилган савол-жавоблардан келиб чиқиб, депутатлар томонидан вазирлик фаолиятида йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш юзасидан қатор фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдирилди. Хусусан, уй-жой қурилиши соҳасидаги 27 йил аввал ишлаб чиқилган, ҳозирда мутлақо талабга жавоб бермайдиган нормативларни буткул янгидан ишлаб чиқиш, шунинг баробарида Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексини бугунги кун нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш тавсия қилинди.

Йиғилиш якунида аҳолини уй-жой билан таъминлаш бўйича қилинаётган ишлар юзасидан самарали парламент назоратини олиб боришга келишиб олинди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.**





Сергели туманидаги Чоштепа маҳалласи ҳудудида 3 минг 696 хонадонли 66 та кўп қаватли уй қурилмоқда. Ўтган беш ой мобайнида бу ерда улкан мавзе қад кўтариб, 1 минг 176 хонадонга мўлжалланган 21 та уй барпо этилди.



# Тараққиётни мустаҳкамлаш йили

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Шу муносабат билан соҳибқирон Амир Темур бобомиз таваллуд топган қадимий Кешга ташриф буюраётган хорижлик сайёҳлар сафи тобора ошиб бормоқда. Улар учун Шаҳрисабздаги тарихий обидалар ободонлаштирилиб, янги меҳмонхона ва ресторанлар, туризм иншоотлари барпо этилди, Халқаро мақом санъати фестивали ўтказилиб, Мақом санъати музейи ўз эшикларини очди.

Ўтган йили тўкис фойдаланишга топширилган Бухоро – Мискин янги темир йўл тармоғи ҳамда Мискин – Урганч – Хива темир йўл участкасининг электрлаштириш ишлари амалга оширилиши натижасида эндиликда Ўзбекистоннинг бутун дунёдан хорижий сайёҳлар энг кўп келадиган Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз ва Хива шаҳарлари бир-бири билан электрлашган темир йўл билан боғланиб, юқори тезликда ҳаракатланадиган «Afrosiyob» поездлари қатновидан тўкис баҳраманд бўлади. Бу жараён мамлакатимизга ташриф буюраётган сайёҳлар оқими ҳозиргига қараганда бир неча бор кўпайишига олиб келади.

Халқаро туризм ва сайёҳлик учун зарур шароит яратиш мамлакат хазинасини бойитибгина қолмай, айни чоғда жаҳон халқлари ўртасидаги дўстлик ва маданий, илмий алоқалар ривожига ҳам катта таъсир кўрсатади. Жаҳонда тинчлик ва осойишталикнинг барқарорлиги учун пухта замин бўлади.

Мамлакатимизда ислом маданияти билан боғлиқ қадамжолар, зиёратгоҳлар, қадимий обидалар, меъморий ёдгорликлар қайта қурилиб, ободонлаштирилиши, ислом цивилизацияси маркази барпо этилаётгани ҳам шундай олижаноб, умуминсоний мақсадларга хизмат қилаётир. Бу борада пойтахтимизда жадал равишда қурилаётган Ислом тамаддуни маркази, кўплаб янги масжидлар, Қашқадарё вилоятининг Қарши туманидаги Қовчин қишлоғида Имом Абул Муин Насафий ёдгорлик мажмуаси ҳамда Бухоро вилоятидаги Нақшбандия тариқатининг етти пирлари зиёратгоҳлари қайта қурилиб, янада обод қилинаётгани ҳам халқимизни беҳад мамнун этаётган қутлуғ жараённинг гўзал манзараларидир.

## ИҚТИСОДИ БАРҚАРОР ЮРТНИНГ ХАЛҚИ ФАРОВОН ЯШАЙДИ

Маълумки, ёнилғи-энергетика ресурслари ўтган асрда бўлгани каби XXI асрда ҳам мамлакатлар иқтисодий тараққиётининг локомотиви сифатида ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда. Бу жиҳатдан Ўзбекистон углеводород захираларига бойлиги билан жаҳон ҳамжамиятида нуфузли ўринлардан бирини эгаллаб турибди. 2018 йили «Лукойл» компанияси билан ҳамкорликда Бухоро вилоятида Қандим газни қайта ишлаш мажмуасининг фойдаланишга топширилгани ўз миқёси ва аҳамияти жиҳатидан оламшумул воқеа бўлганини эътироф этиш жоиз. Мажмуа эҳтиёжлари учун Бухоро – Олот темир йўл тармоғидан ўнг тарафга янги автомобиль ва темир йўллар қурилди. Бу ерда яқин атрофдаги Қандим, Кувачи-Олот, Оққум, Порсанкўл, Ҳожи ва Ғарбий Ҳожи конларидаги юздан ортиқ қудуқдан қувурлар орқали етказиб бериладиган хом ашё турли қўшимчалардан тозаланиб, таркибидаги конденсатли газ ва олтингугурт ажратиб олингач, газўчоқда фойдаланиш ва экспортга жўнатишга тайёр ёнилғига айланади. Энг сўнгги русумдаги хорижий технология ускуналари билан жиҳозланган мажмуа «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси ва «Лукойл» компаниялари ҳамкорлиги меваси бўлиб, унинг қурилишида Жанубий Кореянинг «Хундай Инжиниринг» ҳамда Россия ва бошқа мамлакатларнинг йирик компаниялари қўлни-қўлга бериб ишлади.

«Ўзбекнефтгаз» ва «Лукойл» компаниялари иштирокида «Қандим газ-конденсат конлари гуруҳини ўзлаштириш» лойиҳасига 2016 йил апрель ойида киришилган эди. Ҳамкор компания томонидан уч миллиард доллардан зиёд инвестиция маблағлари йўналтирилди. Ўтган қисқа вақт ичида лойиҳа доирасида йилига 8,1 миллиард куб метр газни қайта ишлаш қувватига эга йирик завод, ер остидаги қимматбаҳо ёнилғини юзага чиқарувчи бир юз ўн тўртта қудуқ, газ хом ашёсини йиғувчи тўртта пункт, ўндан зиёд махсус майдонлардан иборат табиий газни тўплаш тизимини ўз ичига олган улкан мажмуа қуриб битказилди. Бунинг натижасида тозаланган товарбоп газ ҳамда 130 минг тоннадан зиёд барқарор газ конденсати олинмоқда. Айни чоғда 370 километр узунликдаги газ узатиш қувурлари фойдаланишга топширилгани ҳам мазкур саноат комплекси маҳобатидан далолат бериб турибди.

Бу мажмуа мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини кескин ошириш билан бирга халқимиз учун минг-минглаб янги иш ўринлари очгани, бу ерда юртимиз нефть-газ саноати учун малакали мутахассислар авлоди камол топаётгани билан ҳам алоҳида эътиборга сазовордир. Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистонда янги углеводород конларининг очилаётгани ҳам бу борадаги имкониятларимизни янада ошириши шубҳасиз. Шу ўринда Қашқадарё вилоятидаги газ конлари негизида фаолият олиб бораётган Шўртан газ-кимё мажмуаси яқинида барпо этилаётган яна бир улкан корхона – Uzbekiston GTL заводи ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишга тўғри келади.

«Шўртан газ-кимё мажмуасининг тозаланган метани негизида синтетик суюқ ёнилғи ишлаб чиқаришни ташкил этиш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича икки йил муқаддам Президентимиз қарори қабул қилинган эди. Uzbekiston GTL заводи ана шу инвестиция лойиҳаси асосида қад кўтармоқда. Давлатимиз раҳбари 2017 йил февраль ойида Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида мазкур заводнинг қурилиш майдонига келиб, уни молиялаштириш, хорижий технологиялар билан жиҳозлаш, қурувчилар ва кадрлар таъминоти каби барча масалаларни чуқур таҳлил қилгани ва зарур кўрсатмалар берганидан кўпчиликнинг хабари бор. Айни кунларда 35 гектардан зиёд майдонда қурилиш ишлари амалга оширилмоқда. Темир-бетон пойдеворлар устида эстакадалар кўтарилган. Ноёб автокранлар ёрдамида мураккаб ускуналарни йиғиш ишлари олиб борилмоқда. Барпо этилаётган «Фишер-Тропш» реактори эса, заводнинг юраги ҳисобланади.

Завод Жанубий Африка Республикасининг «Sasol», Даниянинг «Haldor Topsoe» ва АҚШнинг «Chevron» каби дунёдаги етакчи компаниялар технологиялари асосида қурилмоқда. Корея Республикасининг «Hyundai Engineering Co. Ltd.» ва «Hyundai Engineering and Construction Co., Ltd», Сингапурнинг «Enter Engineering Pte. Ltd.» компаниялари қурилиш жараёнларига бош пудратчи этиб белгиланган. Қурувчи ва пайвандчиларнинг аксарияти маҳаллий ёшларимиз экани ҳам эътиборга лойиқ. Шуни айтиш керакки, ушбу завод қад кўтариши учун Япония, Жанубий Корея, Сингапур, АҚШ, Германия, Италия, Хитой, Россия каби 21 давлатнинг 126 та заводида 11 мингдан ортиқ технологик ускуна тайёрланмоқда.

Табиий газдан синтетик суюқ ёнилғи (GTL) олиш ниҳоятда мураккаб жараён бўлиб, юқори технологиялар ва муайян илмий ечимларни тақозо этади. Шунинг учун ҳам дунёда бундай улкан корхоналар у қадар кўп эмас – ҳаммаси бўлиб атиги бешта. Олтинчиси эса Шўртан конлари негизида қад кўтараётган Uzbekiston GTL заводидир.

Янги муҳташам корхонани барпо этиш бўйича яратилган лойиҳанинг умумий қиймати 3,6 миллиард АҚШ долларига тенг. Завод фойдаланишга топширилгач, йилига 3,6 миллиард куб метр газ чуқур қайта ишланиб, ЕВРО-5 стандартига мувофиқ 1,5 миллион тонна синтетик суюқ ёнилғи ажратиб олинади. Унинг 311 минг тоннасини самолётлар учун авиакеросин, 743 минг тоннаси дизель ёнилғиси, 431 минг тоннаси нафта, 53 минг тоннасини суюлтирилган газ ташкил этади. Заводда ажратиб олинадиган нафта маҳсулоти Шўртан газ-кимё мажмуасида қайта ишланиб, янги турдаги полиэтилен ва полипропилен ишлаб чиқарилади. Шу муносабат билан Шўртан газ-кимё мажмуаси қувватини 125 минг тоннадан 505 минг тоннагача ошириш кўзда тутилмоқда. Натижада бу ерда ҳаётга татбиқ этиладиган янги лойиҳалар келгусида кимё, автомобилсозлик, туризм, фармацевтика, тўқимачилик ва бошқа соҳаларни янада равнақ топтиришга хизмат қилади.

Мазкур корхона қўллланаётган замонавий технологиялари жиҳатидан ноёб мажмуа ҳисобланади. Ноёблиги шундаки, масалан, минг куб метр табиий газнинг тахминий экспорт баҳоси 155 АҚШ долларига тенг бўлса, янги корхона шунча миқдордаги табиий газни қайта ишлаш натижасида 300 АҚШ долларилик маҳсулот ишлаб чиқаради. Бундан бошқа синтетик маҳсулотлардан олинадиган қўшимча даромад эса, салкам олти юз миллион доллардан ошади. Бундан ташқари, ҳозир мамлакатимиз хориждан импорт қилаётган нефть маҳсулотларига йилига бир миллиард доллардан ортиқ валюта сарфланишини назарда тутадиган бўлсак, янги корхона ишга тушгач, шунча миқдордаги маблағ тежаб қолинади ва халқ фаровонлигини юксалтириш, янги бунёдкорлик қурилишларини маблағ билан таъминлаш борасида қўшимча имкониятлар яратилиб, иқтисодиётимиз барқарорлиги мустаҳкамланади.














## ВАТАН – МУҚАДДАС, УНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ШАРАФЛИ БУРЧ!

2018 йилда мамлакатимизда бунёдкорлик соҳасида амалга оширилган ишлар орасида Қарши шаҳрида «Ватанпарварлар» боғининг барпо этилиши ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Президентимиз шу йилнинг 14 декабрида Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида айнан ушбу боққа келиб, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини кўздан кечиргани бежиз эмас. Боғда мунтазам равишда ўқувчи-ёшлар, талабалар, «Темурбеклар мактаби» ва ҳарбий билим юртлари курсантлари, барча ёшдаги аҳоли учун «Ватан – муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурч!» шиори остида мардлик ва жасорат дарслари бўлиб ўтади.

Қарийб етти гектар майдонни эгаллаган ушбу боғда бу йил 18 миллиард сўмлик қурилиш ва ободончилик ишлари амалга оширилди. Келаси йилда яна 11 миллиард сўмликдан кўпроқ бунёдкорлик ишлари бажарилади. Боғда сунъий кўл, амфитеатр, ҳарбий машқлар учун иншоотлар, альпинистлар учун сунъий қоя ва нишонга олиш жойлари қурилиб, фойдаланишга топширилган. Айни пайтда соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг саркардалик маҳорати ва ғалабаларига бағишланган музей иншооти ҳам қуриб битказилмоқда. Боғда парашютдан сакраш минораси ҳам қурилади. «Ватанпарвар» деб номланган янги истироҳат боғи ҳам ана шу бош кўчага туташган. Боғ дарвозасидан ўтишингиз билан чап томонда мавжланиб турган сунъий кўл сизни хушнуд этса, ўнг тарафдаги монументал композиция ҳам эътиборни тортмай қолмайди. Истеъдодли мусаввир ва ҳайкалтарошлар ана шу жараёнга сафарбар этилган. Янги боғ ҳар жиҳатдан исми жисмига монанд бўлган. Ўзбекистон халқ устаси Баҳодир Ниёзов томонидан ишланган бадиий ҳайкалтарошлик ишлари Ерқўрғондан топилган қадимий осори атиқалар тимсолларини ўзида мужассамлантирган. Маълумки, қадим Нақшаб араблар томонидан Насаф деб талаффуз этилган ва шаҳарнинг икки минг етти юз йиллик тарихи Қашқадарё соҳилидаги Ерқўрғон харобаларидан топилган маданий қатлам, ҳукмдорлар зарб этган тангалар ҳамда ёқутдан ишланган муҳрлар, улардаги нафис тимсоллар, аёл маъбудалар ва зеб-зийнат ашёлари, турли ҳунармандлик буюмлари, зардуштийлар ибодатхонаси ва тутатқидон, ёритқич ёдгорликлар орқали ўз исботини топган.

Баҳодир Ниёзов ана шу осори атиқаларга муҳрланган тасвирлар – бош қисми тулпорга менгзаган аждаҳо устидаги ҳукмдор-чавандозга олтин жомда муқаддас ичимлик тутаётган маъбуда, илоҳ тасвирланган ҳайкалчалар, III–IV асрларга оид феруза тош билан безатилиб, ялтироқ чиғаноқ ўрнатилган типратикон шаклидаги тилло тақинчоқ ва бошқа миниатюра асарлари асосида яратган композиция ёшларимизни нафақат ўтмиш маданиятимиз анъаналари билан таништиради, айни чоғда, жаҳон маданий тамаддунига беқиёс ҳисса қўшган аждодларимизнинг бой маънавий мероси ва беқиёс санъати билан ҳам ошно этади, ватанпарварлик туйғусини камол топтиради.

Боғ рўпарасидаги собиқ футбол ўйингоҳи ўрнида қад кўтарган – қанотини кенг ёзиб турган оққуш тимсолидаги мовий тусли сузиш комплекси эса элимиз фарзандларининг соғлом ва ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб улғайиши йўлида оталаримиз кўрсатаётган буюк ғамхўрликнинг рамзидир.







## ОБОД ҲУДУДЛАР КЎПАЙДИ

2018 йили Жиззах вилоятидаги «Манас» қўрғони, шунингдек, Мирзачўл тумани маркази Гагарин шаҳарчаси, Сирдарё вилоятидаги «Янги Ховос», Қорақалпоғистон Республикасидаги «Қорақалпоғистон» каби ўнлаб қишлоқлар ва аҳоли пунктларининг обод қилингани, барча вилоятларда қаровсиз аҳволга келиб қолган аҳоли яшаш жойлари замонавий қиёфа касб этганидан халқимиз тўкис хабардор.

Бу борада эътиборга тушган ишлардан яна бир нечтаси ҳақида тўхталиб ўтмасдан илож йўқ.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йил 20-21 январь кунлари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи чоғида Мўйноқ тумани аҳолисини тоза ичимлик сув билан таъминлаш муаммосини ҳал қилишга қаратилган Қўнғирот-Мўйноқ ичимлик суви тармоғи қурилиши лойиҳасининг бошланишига тамал тоши қўйган эди.

Орадан оз фурсат ўтиб, 101 километр узунликда қувур ётқизилиб, туман аҳолиси учун тоза ичимлик суви етказиб берилди. Ушбу иншоотнинг ишга туширилиши натижасида бир суткада 7 минг куб метр сув узатиш ва 25 мингдан зиёд аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш имконияти яратилди.

Бойсун туманининг Мачай қишлоғидаги Ўрта ва Юқори Мачай, Қизилнавр маҳаллаларини ҳам тоза ичимлик сув билан таъминлаш учун «Олчабулоқ» булоғидан 14,5 километрлик қувур тортилиб, 2,5 минг аҳолининг эҳтиёжлари қондирилди. Айни пайтда мазкур қишлоқлардаги ички йўлларга тош тўкилиб текисланган, 2 та кўприк, Қизилнавр ва Хўжадияк маҳаллаларида иккита тиббий таянч пункт қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Бундай ободончилик ва бунёдкорлик ишлари барча вилоятларда «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари асосида амалга оширилаётгани, оқар сув йўллари атрофини ноқонуний равишда эгаллаб, ўзбошимчалик билан турли иморатлар қурган, тоза обиҳёт манбаларини рўзғордан чиққан оқовалар билан ифлослаётганларнинг кирдикорларига барҳам берилаётгани ҳам халқимизни мамнун этаётир. Ана шу ишлар натижасида юртимиздаги жуда кўплаб сув манбалари атрофидаги ноқонуний иморатлар бузилиб, уларнинг ўрнида, аҳоли дам оладиган обод манзиллар барпо этилгани нур устига нур бўлмоқда.

Пойтахтимиз марказида «Наврўз» боғи қурилаётганидан кўпчиликнинг хабари бор. Ана шу манзилдаги «Анҳор-Локомотив» парки ёнида яқинда баландлиги 72 метрлик улкан аттракцион фойдаланишга топширилгани шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонлари учун янги йил совғаси бўлди. Янги аттракцион 48 та ёпиқ кабина билан жиҳозланган, уларнинг ҳар бирида шинам ўриндиқлар мавжуд. Ҳар ўн икки дақиқада бир марта тўлиқ айланадиган қурилма бир йўла 272 кишининг пойтахт манзараларини юксакликдан туриб томоша қилиши имконини беради. Боғга ташриф буюрувчиларнинг автомобиллари учун эса 500 ўринли автотурарғоҳ қурилди.

## ХАЛҚНИНГ РОЗИЛИГИДА ҲИКМАТ КЎП

Бутун мамлакатимизда бунёдкорлик ишлари мисли кўрилмаган даражада маҳобат касб этган. Ҳар куни шаҳар ва қишлоқларда бирор иншоот ва мажмуа қуриб битказилмоқда. Сир эмас, мамлакатимизда уй-жойлар қурилиши деярли тўхтаб қолганди. Атиги уч-тўрт йил олдин ҳам нафақат пойтахтимизда, вилоят, туман ва шаҳар марказларида, олис қишлоқларда арзон уй-жойлар қурилишини ҳеч ким тасаввур қилолмас эди.

Шавкат Мирзиёев Президентлик лавозимига киришган илк кунларданоқ ана шу оғриқли, ҳаётий долзарб муаммони ҳал қилишга киришди.

Айниқса, эҳтиёжманд оилалар учун барча вилоят марказларида қурилиб фойдаланишга топширилаётган замонавий лойиҳадаги кўп қаватли арзон уй-жойлар жаҳон кўламида мутлақо кўрилмаган беқиёс ғамхўрликдан далолатдир. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан кам таъминланган ва эҳтиёжманд оилалар учун бунёд қилинган мазкур уй-жой биноларига янги йил арафасида кўчиб ўтаётган юртдошларимизнинг қувончи чексиз.

Меъморий қиёфаси ҳар жиҳатдан гўзал, ҳовлилардаги болалар майдончалари бетакрор даражада жиҳозланган янги уй-жой мажмуалари вилоят марказлари ва йирик шаҳарларимизнинг янги манзараларига узукнинг кўзидай ярашиб тушмоқда. Юртдошларимизнинг хабари борки, 2017 йилдан эътиборан илк маротаба аҳоли учун арзон, барча қулайликларга эга бўлган кўп қаватли уй-жойлар қурилиши бошланган эди. Ўтган йили Тошкентнинг Сергели даҳасида қурилган етти қаватли шундай уй-жойларда ҳамюртларимиз ўз ҳаётидан рози бўлиб, Яратганга шукроналар айтиб яшамоқдалар.

Жорий йилда эса 800 минг квадрат метрдан зиёд ана шундай уй-жойлар фойдаланишга топширилди. Сергели туманидаги Чоштепа маҳалласи ҳудудида 3 минг 696 хонадонли 66 та кўп қаватли уй қурилмоқда. Ўтган беш ой мобайнида бу ерда улкан мавзе қад кўтариб, 1 минг 176 хонадонга мўлжалланган 21 та уй барпо этилди. Мавзеда маҳалла гузари бунёд этилган, унда маҳалла раиси ва маслаҳатчилари хоналари, уй-жой мулкдорлари ширкати, профилактика инспектори хонаси, кутубхона фаолият юритади. Бундай уй-жойлар қурилиши давом этмоқда.

Аҳолининг арзон уйларга бўлган эҳтиёжини тўкис таъминлаш учун 2018 йилда биргина қишлоқ жойларида 3 мингдан зиёд ёки ўтган йилга нисбатан икки баробар кўп намунали арзон уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди ва бу жараён изчил давом эттирилмоқда.

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги Боғистон кўчасида бунёд этилаётган кўп қаватли уйлар ҳам шаҳардаги уй-жой билан боғлиқ оғриқли, ҳаётий долзарб муаммони ҳал этишда алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Бу ерда 23 та 9 қаватли уй-жой биноси қурилмоқда, улар келаси йил фойдаланишга топширилади. Президентимиз ташаббуси билан янги йилда Салор, Дамаши, Қорасув, Бектемир, Бўзсув, Жўн, Бўрижар каби каналлар таъмирланиб, атрофи ободонлаштирилади. Каналлар атрофида, одамлар дам оладиган, болалар чўмиладиган обод ва хавфсиз ҳудудлар ташкил этилади. Пойтахт метросининг Юнусобод линиясида қурилаётган ер ости бекатлари, шунингдек, собиқ Авиасозлар шаҳарчасини Қўйлиқ даҳаси билан боғлайдиган ер усти метро йўли фойдаланишга топширилади. Янги кўприклар, йўл ўтказгичлар қурилади.

Заҳматкаш халқимизнинг турмушини фаровон, оғирини енгил, узоғини яқин қиладиган, ҳаётдан рози бўлиб яшашини таъминлайдиган, шахс сифатидаги эрки ва инсоний ҳақ-ҳуқуқларини рўёбга чиқарадиган мазкур бунёдкорлик қурилишларининг бугун солинаётгани асос-пойдевори мустаҳкам. Улар келажакнинг нурли манзилларини намоён этаётир.

Бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тошкентдаги симпозиумлар саройида ўтказиладиган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасига мурожаат қилиши кутилмоқда. Ушбу мурожаатнома орқали 2018 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2019 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишлари ҳақида батафсил маълумотга эга бўламиз. Шу билан бирга, йиғилишда янги йилга ном берилиши ҳам кутилмоқда.

Биз эса келгуси йилда амалга оширилиши режалаштирилган барча эзгу ишлар рўёбга чиқиб, юртимизда обод манзиллар бундан-да кўпайишини, аҳоли фаровонлиги янада ошишини тилаб қоламиз.

**КИРИБ КЕЛАЁТГАН ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!**

**Дилшод ЖАЛОЛОВ.**

В 2019 году АО «ToshuyjoyLITI» будет увеличивать проектные работы, особенно по строительству 200 и более многоэтажных жилых домов.



# Наша цель: увеличить объемы проектирования во всех сферах экономики

**Профессия строителя всегда была и будет самой востребованной на Земле, поскольку создает полноценную среду для жизни и деятельности человека. Этот профиль рассчитан на тех, кто хотел бы не просто заглянуть в будущее градостроительства, но и реализовать свои замыслы в архитектурно-строительных проектах.**

АО «ToshuyjoyLITI» – ныне крупнейший научно-исследовательский проектно-изыскательский институт жилищно-гражданского строительства был образован в 2010 году Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан путем слияния ведущего в Центральной Азии института по проектированию сейсмостойких жилых и общественных зданий - Ташкентский зональный научно-исследовательский институт типового и экспериментального проектирования, а также главного института специализирующегося на проектировании жилищно-гражданских зданий - Ташкентского института проектирования жилых зданий. За эти годы небольшое предприятие превратилось в комплексный проектный институт, где работают профессионалы своего дела.

В преддверии Нового года мы встретились с Генеральным директором АО «ToshuyjoyLITI» Кахраманом ХАКИМОВЫМ, чтобы подвести итоги уходящего года и обсудить планы на будущее.

**– Кахраман Кадирович, вначале давайте поговорим о деятельности института.**

– Институт АО «ToshuyjoyLITI» имеет внушительную историю: за годы независимости из маленькой отраслевой проектной организации превратился в твердо стоящего на обеих ногах универсальный институт. Мы смогли перенять опыт работы в проектной области такого уважаемого института как АО «УзЛИТИ» и смело двигаться дальше вместе.

Сегодня институт активно участвует в развитии строительной отрасли нашей страны, в части производства проектных работ. Мы занимаемся разработкой проектно-сметной документации нового строительства, реконструкции и капитального ремонта зданий и сооружений различных назначений, инженерных сетей, а также автомобильных дорог и дорожной инфраструктуры; обследованием технического состояния зданий и сооружений; разработкой проектов восстановления и усиления несущих конструкций зданий и сооружений; научно-исследовательской работой в области строительства сейсмостойких зданий, включая проектно-изыскательные работы.





Нашими специалистами разработано множество строительных норм и правил Республики Узбекистан. У нас уже имеется опыт работы в относительно новых направлениях экономики в сфере проектирования, таких как составление бизнес-планов ТЭО, ТЭР на новое строительство, реконструкцию и капитальный ремонт.

Коллектив института насчитывает более 120 человек, большинство которых являются высококвалифицированными специалистами со стажем работы более 20 лет. Также институт делает большую ставку именно на молодых специалистов. Взаимодействие и совместная работа опытных работников и молодых специалистов дает свои результаты. Наглядным примером тому служит большое количество проектных работ, выполненные в уходящем году.

**– Если оценить качественно 2018 год, то какой он был для института?**

– Хочу отметить, что уходящий год был плодотворным для нас. За 2018 год нами было спроектировано множество строительных объектов. Особенно хотелось бы отметить, такие значимые для нашей республики объекты, как строительство Международного научно-исследовательского центра «Имом-Аль Бухарий» в Пайарыкском районе Самаркандской области, школы «Хадисшунослик» на 40 участников на базе данного центра. В рамках этих проектов мы смогли совместить новые технические решения и технологии с традиционной национальной архитектурой. Говоря на простом языке, новое технологическое решение встретилось с богатой историей прошлого, что долгое время будет служить нам примером в новых начинаниях.

Другие объекты, ну например, строительство 7-ми этажных 42-х квартирных жилых домов по Республики Узбекистан, по разработанной институтом проектно-сметной документации, построены в 9 регионах нашей страны и г. Ташкента 195 доступных жилых домов для всех сейсмических зон республики. Еще, строительство 12-этажных жилых домов в комплексе «Сузук ота» в г. Ташкенте, где также применены конструктивные решения, позволяющие осуществлять высотное строительство с учетом высокой сейсмоустойчивости здания. Из не менее важных объектов также можно отметить, строительство Информационно-ресурсного центра для курсантов и слушателей Академии МВД РУз. И это только верхушка айсберга.



Кроме того, за 2018 год по поручению Министерства строительства Республики Узбекистан специалистами института переработан ряд нормативных документов. Исходя из требований новых технологий и требования современного времени, удалось внести ряд поправок в нормативные базы, в отдельных случаях внести новые параметры в строительные нормы и правила.

**– Как известно, основным направлением решения проблемы безопасности зданий и сооружений является обеспечение сейсмической безопасности объектов. Какие проекты были разработаны в данной области? Были ли задействованы для этого зарубежные специалисты?**

– В этом направлении мы тоже не стоим на месте. Например, проект крупнопанельного жилого дома был разработан зарубежной компанией «КЖ-ПРОЕКТ» с учетом местных климатических условий и обширного опыта панельного проектирования. Затем адаптированием проекта занялся АО «ТошуйжойЛИТИ» совместно с АО «Ташгипрогор».

Кроме этого для проведения натурных испытаний были приглашены зарубежные специалисты научно-исследовательского и проектного института строительства и архитектуры АО «КазНИИСА» (Казахстан). В ходе испытаний была осуществлена регистрация колебаний и предварительная обработка данных, визуальное обследование конструкций, фотофиксация возникших повреждений, а также видеосъемка колебаний здания. Колебания нужных параметров смогла обеспечить вибрационная машина инерционного действия, установленной на перекрытии 9 этажа. Такой способ позволил реализовать при испытаниях динамический характер нагрузки исследуемых несущих стеновых конструкций и определить основные особенности их поведения при сейсмических нагрузках.

С большим удовольствием мы можем отметить, что все участники проекта, особенно проектировщики были удовлетворены результатами испытаний. Во-первых, это дало нам уверенность в дальнейшем проектировании такого рода объектов, во-вторых, мы получили большой опыт и наглядный пример.



*__Кахрамон ХАКИМОВ,__ в 1995 году окончил Ферганский политехнический институт по специальности «инженер-строитель». Имеет значительный опыт работы в подрядных организациях, работал заказчиком строительных работ. Ведя трудовую деятельность в Министерстве строительства Республики Узбекистан являлся одним из ведущих специалистов в области экспертизы градостроительной документации.*

**– Какие основные задачи были решены институтом в этом году и какие еще предстоит решать?**

– Все наши чаяния состоят в удовлетворении, в первую очередь, потребности нашего народа в доступном, безопасном и удобном жилье, а также в современных зданиях и сооружениях.



Забота Президента нашей страны Шавката Мирзиёева в данном направлении безгранична, и особо отчетливо проявляется в его указах и постановлениях.

Так, во исполнения Указа Президента Республики Узбекистан от 14.11.2018 года за №УП-5577 «О дополнительных мерах по совершенствованию государственного регулирования в сфере строительства» в институте проводятся ряд мероприятий по осуществлению проектных работ. Внедряются новые методы проектирования, такие, как разработка проектных решений с помощью BIM моделирования, позволяющее прорабатывать проектные решения в 3D формате. Для этого мы обучили более 30 специалистов по современным компьютерным программам, используемые в проектировании в развитых государствах. Кроме того, совместно с Министерством строительства прорабатываются предложения по обновлению строительной нормативной базы, приведение ее к мировым нормативным базам и стандартам; аспектам и особенностям проведения проектных работ и авторского надзора строительных объектов; формированию справедливой стоимости проектно-изыскательских работ; привлечению молодых специалистов к работе в проектных институтах, в связи с этим, представление льгот и преференций ведущим проектным институтам и специалистам, работающих в сфере проектирования и многие другие вопросы.

**– Каким видится Вам 2019 год?**

– В 2019 году АО «ToshuyjoyLITI» поставило амбиционные планы увеличить объемы проектирования во всех сферах экономики. Мы будем увеличивать проектные работы, особенно по строительству 200 и более многоэтажных жилых домов. Не оставим без внимания проектирование объектов социального значения, в том числе проектирование типовых детских садов, школ, здания высших учебных и средне-специальных заведений, кроме того инфраструктурные объекты, в том числе автомобильные дороги различных категорий и международного значения. Перечисленные объекты достаточно масштабны – это говорит о том, что они будут выполняться не только в этом году, но и в последующем. Также мы планируем переработать и обновить более 10 нормативных документов, привести их в соответствие с реалиями требований по проектированию и строительному производству. Особое внимание мы намерены уделить проектам с участием и при сотрудничестве с иностранными партнерами и заказчиками.

**– И в заключении, Ваши пожелания нашим читателям в Новом году...**

– Недаром говорят – как встретишь Новый год, так и проживешь. Я искреннее желаю всем встретить Новый 2019 год в атмосфере семейного счастья и любви, с чувством радости за то, что удалось сделать в уходящем году, и приятного предвкушения того, что предстоит в следующем.

Надеюсь, что 2019 год станет очередным трамплином для дальнейшего развития нашего института в том числе. Хочу пожелать всей строительной отрасли постоянных изменений к лучшему и повышения качества работы.

**– Спасибо.**

**Беседовала
Дильфуза ХАБИБОВА.**







# Эзгу ишларимиз бардавом бўлади

**Биз, андижонлик қурувчилар учун якунланиб бораётган 2018 йил – Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили улкан меҳнат ютуқларига бой бўлди. Жорий йилнинг ўзида вилоятимиз миқёсида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш Дастури тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан вилоятимизнинг қишлоқ ҳудудларида 1205 та арзон уй-жой бунёд этилди. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 22 ноябрдаги «2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, Андижон шаҳрида 20 та 7 қаватли жами 840 хонадонга мўлжалланган замонавий турар жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу турар жойлар аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини қондириш баробарида шаҳримизга ҳам ўзгача кўрк бағишлади.

Юртбошимизнинг «Обод қишлоқ» дастури тўғрисида»ги фармони ҳамда «Обод қишлоқ» дастурини 2018 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори доирасида ҳам кенг кўламдаги бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилди.

Ушбу бунёдкорлик ишларида бизнинг «Андижон қишлоқ қурилиш» масъулияти чекланган жамияти аъзолари ҳам муносиб иштирок этмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари учун уй-жойларни қуриш дастури тўғрисида»ги қарорига асосан 2018 йилда Андижон шаҳрида 120 хонадонга эга 4 та 5 қаватли турар жой бунёд этиш режалаштирилган эди. Ана шу уйлардан биттасининг қурилиши жамиятимиз аъзоларига ишониб топширилди. Қурилиш ишларида корхонамиз иш юритувчиларидан Зокиржон Тиллаев, Носиржон Саидаҳмедов, қурувчилар бригада бошлиғи Аҳмаджон Мирзаев, Иззатилла Расулов каби маҳоратли ишчиларимиз ўзларининг фидокорона



меҳнатлари билан жамоадошларига намуна бўлишди. Турар жой қурилиши ўз муддатида сифатли якунланиб, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ихтиёрига Янги йил совғаси сифатида топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 июлдаги «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан Андижон шаҳридаги ўз фаолиятини тўхтатган собиқ кинотеатрда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш режалаштирилган эди. Мазкур катта ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишлари корхонамиз ишчи-хизматчилари зиммасига юклатилгани янада ғайрат-шижоат билан ишлашга илҳомлантирди.

Жорий йилнинг 22 декабрь санасида Андижон шаҳрида «Ёшлар маркази»нинг замонавий, муҳташам биноси қад ростлади. Унинг тантанали очилиш маросимида мутасадди ташкилот раҳбарлари томонидан жамиятимиз аъзолари меҳнатларининг эътироф этилгани касбимизга бўлган меҳру ифтихоримизни янада оширди.

Айни пайтда корхонамиз бунёдкорлари Андижон шаҳридаги «Девонабой» жоме масжиди қурилишида фаол иштирок этишмоқда. Бу каби эзгу ишларимиз янги йилда ҳам давом этади. Мустақил ва озод юртимизнинг ҳар гўшасини обод қилиш йўлида бор куч ва имкониятимизни сарф этамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, барча ватандошларимизни кириб келаётган Янги – 2019 йил байрами билан чин дилдан муборакбод этаман. Ватанимиз осмони ҳамиша мусаффо бўлиб, эл-улусимиз тинчлиги барқарор, соғлиқлари мустаҳкам бўлсин!

**Неъматжон МИРЗАЕВ,**
**«Андижон қишлоқ қурилиш» МЧЖ раҳбари,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи.**

**Қурувчилик эзгу касблардан биридир. Бу гапга изоҳ беришнинг ҳожати ҳам йўқ, буни сўз билан таърифлаш ҳам шарт эмас, чамамда. Чунки бизнинг фаолият кишилар кўз ўнгида намоён бўлади. Биз қураётган биноларга юртдошларимиз унинг пойдеворидан тортиб то битгунига қадар беихтиёр нигоҳ қадайдилар.**

# Қурувчимиз – обод қилувчимиз

Кеча-кундуз тиним билмай ишлаб, барпо этилувчи объектни ўз муддатида сифатли қилиб фойдаланишга топшириш мақсадида жавлон ураётган қурувчиларимиз меҳнатига ҳавас ва ҳайрат ила боқишимизнинг ўзига хос ҳикмати бор.

Бу қарашлар замирида юртимизни янада обод ва кўркам қилишга бел боғлаган қурувчиларга нисбатан ҳурмат туйғуси, қолаверса, кечагина қаровсиз ҳолда ётган майдонларда қад ростлаётган осмонўпар иншоотларнинг чиройидан фахрланиш ҳислари мавжуд эканини англаш мумкин.

Воҳамизда кечаётган улкан бунёдкорлик ишларида корхонамиз ишчи-хизматчиларининг ҳам муносиб ҳисссаси бор, албатта. 20 йиллик иш тажрибасига эга бўлган корхонамиз томонидан шу кунга қадар кўплаб турар жой бинолари, ижтимоий соҳа объектлари, спорт иншоотлари қурилиб ишга туширилди. Якунига етаётган 2018 йилни сарҳисоб қилар эканмиз, эришган ютуқларимиз кўламидан кўнглимиз кўтарилади. Жумладан, Урганч шаҳрининг «Хонқа» кўчасида қуриб битказилган турар жой бинолари, шаҳар шифохонасида олиб борган капитал таъмирлаш ишларимиздан аҳоли мамнун. Биз фаолиятимиз давомида қурилишнинг энг асосий мезони бўлмиш сифатга алоҳида эътибор қаратамиз. Қуриб битказилган бинолар узоқ йиллар давомида ўз сифатини йўқотмасдан аҳолига хизмат қилсагина, бизга ташаккур айтишади. Бу гап корхонамиз ишчи-хизматчиларининг олий шиорига айланган.

2018 йил биз учун том маънода муваффақиятли келди, десак хато бўлмайди. Бинобарин, жорий йилнинг август ойида мен Президентимиз Фармони билан «Шуҳрат» медали билан мукофотландим. Ушбу рағбат корхонамизнинг барча ишчи-ходимлари, яъни «Хоразм Гранит» жамоасига берилган мукофотдир. Шундай экан, фурсатдан фойдаланиб, бизга билдирилган ишончни оқлаган ҳолда келгусида юртимизни бундан-да гўзал бўлиши йўлида астойдил меҳнат қилишга аҳд қилганимизни айтиб ўтмоқчиман. Сўзим якунида Ўзбекистон аҳлини, жумладан, серғайрат касбдошларимизни, Янги йил байрами билан муборакбод этаман. 2019 йил барчамиз учун омадли, хайрли ва баракали келсин!

**Мансурбек МАҲМУДОВ,**
**Хива шаҳридаги «Хоразм Гранит» хусусий корхонаси раҳбари,**
**«Шуҳрат» медали соҳиби.**

# «Қўлларингиз дард кўрмасин, азиз бунёдкорлар!»

**Қурилиш соҳасида 45 йилдан ортиқ вақт мобайнида фаолият кўрсатиб келмоқдаман. Яқинларимнинг ҳеч бири қурилиш соҳасида ишламаган – отам мактабда дарс берган бўлса, онам болалар боғчасида меҳнат қилган.**

Шундай бўлса-да, мактабни битирганимдан сўнг, ўсиб-улғайган жойим – Мирзачўл, аниқроғи, Боёвут туманининг бепоён кенгликларини обод қилиш, ҳудудда қурилиш ишларини амалга ошириш мақсадида СамДАҚИга ҳужжат топширишга қарор қилдим. Институтни тугатганимдан сўнг – 1979 йилдан Сирдарё вилоятидаги қурилиш трестининг кўчма механизациялашган колоннасида участка бошлиғи, катта муҳандис, бўлим бошлиғи сифатида фаолият юритдим. 1981 йилда қурувчи-талабалар отряди Марказий штаби раҳбари этиб тайинландим. Отряд сафида шижоатли тенгдошларим билан бирга нафақат Ўзбекистон, балки собиқ иттифоқнинг бошқа республикалари ҳудудидаги қатор объектларни қуриш ишларида қатнашдим. 1986-2002 йиллар мобайнида Тошкент шаҳридаги Ҳажмблокли экспериментал уйсозлик комбинатида аввал касаба уюшмалари раиси, кейинчалик бошқарма бошлиғи лавозимларида ишлаган бўлсам, 2002-2011 йилларда Тошкент вилояти Давлат архитектура-қурилиш инспекциясида бош мутахассис, инспекция бошлиғи сифатида фаолият юритдим. 2011 йилдан буён «Ўзоғирсаноатлойиҳа институти» АЖ Қурилиш материаллари синов лабораторияси бошлиғи бўлиб ишлаб келяпман.



Ўтган йиллар мобайнида қурувчилик касбининг барча машаққатларини бошдан ўтказдим. Куну тун, қишнинг изғирин кунларини совуқ, ёзнинг жазирама кунларини иссиқ демай меҳнат қилган пайтларимиз ҳам бўлди. Вазият тақозо қилиб, баъзида бир неча ой давомида уйимиздан олисда, яқинларимизни кўролмай ишладик. Аммо қурган бино-иншоотларимизни фойдаланишга топширганимизда ана шу қийинчиликларнинг бари унут бўлиб кетарди. Касбимизнинг ўзига хос жиҳати ҳам ана шунда. Менимча, ҳар бир қурувчи ана шундай ҳолатларга дуч келган. Аҳамиятлиси, кейинги йилларда мамлакатимизда бунёдкорлик ишлари ҳажмининг ортиб бориши баробарида қурувчиларга алоҳида эътибор қаратила бошланди. Жумладан, Президентимиз фармонига мувофиқ юртимизда Қурилиш соҳаси ходимлари куни кенг нишонланиши белгиланди. Ҳамкасбларимиз юксак мукофотлар билан тақдирланишди, қурувчилар меҳнати қадрлана бошланди.

Фурсатдан фойдаланиб, машаққатли, шу билан бирга, шарафли касб эгалари бўлмиш бунёдкорларни Янги йил байрами билан муборакбод этаман. Қўлларингиз дард кўрмасин, яратувчанлик салоҳияти сизни ҳеч қачон тарк этмасин! Барчангизга мустаҳкам соғлик, ишларингизга омад ёр бўлишини тилайман.

2019 йил ҳаммамиз учун қутлуғ ва баракали келсин. Белингиз доимо куч-қувватга тўлиб турсин, азиз қурувчилар!

**Тоҳир БОТИРОВ,**
**«Ўзоғирсаноатлойиҳа институти» АЖ Қурилиш материаллари синов лабораторияси бошлиғи.**

# Ободлик – фаровонлик кафолати

**Йил охирлаб бораётгани сайин, ўтган вақтнинг қай даражада унумли бўлганию, қайси режалар амалга ошмай қолгани, қайси масалада хатоликка йўл қўйилганию, қайси ишлар тўғри бажарилгани ҳақида кўп бор ўйларкансан. Шу билан бирга, яқинлашиб келаётган йилда амалга ошириладиган ишлар режасини тузишда аввал йўл қўйилган хатолардан тўғри хулоса чиқариш ва уларни бартараф этиш чораларини излаш зарур. Ана шундагина сарҳисоб билан режалар уйғунлашиб, янгича ишлашга ундайди.**



Поёнига етаётган 2018 йил биз, китобликлар учун ҳам ҳар тарафлама баракали келди. Барча йўналишларда бўлгани каби қурилиш соҳасида ҳам яхши натижаларга эришдик. Хусусан, Президентимизнинг 2018 йил 29 мартдаги «Обод қишлоқ» дастурини 2018 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ туманимиздаги Денов ва Севаз қишлоқларида кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Бу борада, энг авволо, ҳудуд аҳолиси турмуш фаровонлигини янада оширишга эътибор қаратилди. Қишлоқ маҳаллалари қиёфаси замонавийлаштирилиб, аҳоли учун янги иш ўринлари яратилди.

Дастурга биноан йил давомида 708 та уй-жой, 6,2 километр ички йўллар, 16 та трансформатор пункти ва 47 километр электр узатиш тармоғини мукаммал таъмирлаш, 182 дона суюлтирилган газ баллонлари билан таъминлаш, шунингдек, 5 та бозор инфратузилма объектининг қурилиши белгиланган бўлиб, ушбу мақсадлар учун жами 12,8 млрд сўм маблағ сарфланиши режалаштирилган эди. Маҳаллий бюджет, марказлашган, халқаро молия институтлари, хорижий давлатлар грантлари, тармоқ корхоналари, тижорат кредитлари, ҳомийлик, аҳоли ва жамоатчилик жамғармаларидан жалб этилган маблағлар ҳисобига 700 дан ортиқ уй-жой, 10 километрдан кўпроқ пиёдалар йўлакчаси таъмирланди. 11 та бозор инфратузилма объекти қурилди, 3 млрд сўмлик 4 та ижтимоий инфратузилма объекти мукаммал таъмирланди. Жумладан, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини маъмурий бинолари замонавийлаштирилди. Болалар ва мини-футбол майдончалари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш дўконлари қурилди. Энг муҳими, янгича ишлаш ва яшаш шароитлари яратилди.

«Обод қишлоқ» дастури доирасида қарийб 7 километр ички йўллар таъмирланиб, 7,1 километр электр тармоқлари реконструкция қилинди. 24 та трансформатор ва 41,3 километр электр узатиш тармоқлари қайта таъмирланди. Кўчаларда чироқлар ўрнатилиб, гулзорлар ташкил қилинди.

Ҳар иккала қишлоқдаги сув қувурлари эскириб, яроқсиз ҳолатга келиб қолгани боис аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласида жиддий камчиликлар вужудга келганди. Шу боисдан, 10 километрдан зиёд сув қувурлари ётқизилиб, 4 километр ичимлик суви тармоқлари таъмирланди.

Бугун барча китобликлар давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган ислоҳотларга ҳайрихоҳ бўлиб, уларни ҳаётга татбиқ этишда бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилмоқда. Яқинлашиб келаётган 2019 йилда ҳам 3 та қишлоқни ободонлаштириш режалаштирилган. Мақсадимиз, тумандаги барча қишлоқларни обод манзилларга айлантириб, аҳолининг турмуш шароитини янада яхшилашдан иборат.

Фурсатдан фойдаланиб, барча ватандошларимизни, хусусан, қурилиш ва бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этган ҳамкасбларимизни Янги йил байрами билан муборакбод этаман. Янги йил омадли ва умидли йил бўлсин! Янги йилда барчамизга яхши ниятлар ҳамроҳ бўлсин!

**Фарҳод УСМОНОВ,**
**Китоб тумани ҳокимлигининг қурилиш бўйича бош мутахассиси.**

# Фаол меҳнатга чорловчи маёқ

**Қурувчилик шарафли касб! Мен ҳам умр бўйи баҳоли-қудрат шу соҳада меҳнат қилаётганимдан мамнунман. Бунинг учун устозим ва акам Маҳмудулло Абдуллаевдан чексиз миннатдорман. Чунки, у киши раҳбарлигидаги «Оташ» кўп тармоқли хусусий корхонада 2014 йилгача ишлаб, тажриба орттирдим. Сўнгра акамнинг тавсия ва маслаҳатлари билан «Исмоил Ислом қурилиш» масъулияти чекланган жамиятига асос солдик.**

Корхона фаолиятини 40 нафар ишчи-хизматчи, яъни иш юритувчи Файзираҳмон Узоқов, Араббой Раҳмонов, Маъруфжон Абдуллаев, Санжарбек Юсупов сингари тажрибали қурувчилар билан бошлаган эдик. Натижа ёмон бўлмади. Ортда қолган йиллар мобайнида корхонамиз ҳар тарафлама ривожланиб, ишчи-хизматчилари сони 120 нафарга етди. Шу боис, корхонамиз қурувчилари томонидан амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг салмоғи ҳам, сифати ҳам йилдан-йилга ортиб бораётир. 2017 йил якунига кўра, корхонамиз томонидан 6 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Бу кўрсаткич 2018 йил якуни бўйича 11 миллиард сўмни ташкил этмоқда.

Албатта, меҳнат ютуқларимизнинг асосий омили – мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг биз, қурувчиларга кўрсатаётган катта ғамхўрликлари, эътибор ва эътирофларида,



деб биламан. Айниқса, муҳтарам Юртбошимизнинг мамлакатимиз қурилиш соҳаси ходимлари касб байрами муносабати билан йўллаган табригидаги «Биз сизларнинг тимсолинингизда ўз меҳнати билан шаҳар ва қишлоқларимизда, бутун юртимизда янги ишлаб чиқариш корхоналари, муҳим ижтимоий объектлар, муҳташам уй-жойлар, йўл ва кўприклар барпо этиб, ҳаётимизни янада обод этиб, гўзал ва тароватли этиш йўлида фидокорона меҳнат қилиб келаётган олижаноб касб эгаларини кўрамиз», деган дил сўзлари бизга катта куч бағишлади. Қурилиш соҳасида меҳнат қилаётган ҳар қандай кишини тўлқинлантириб юборди. Қалб тўридан жой олди. Янгилик сари изланиб, илҳом олиб, ижодий меҳнат қилишга чорлади.

Маълумки, Янгиқўрғон тумани Наманган вилоятининг аҳоли сони жиҳатидан юқори ўриндаги ҳудудларидан ҳисобланади. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш Дастури тўғрисида»ги қарорига асосан жорий йил тумандаги «Водий» аҳоли масканида 5 та 18 кватирали, жами 90 хонадонга мўлжалланган турар жой бинолари барпо этиш режалаштирилган эди. Шундан 36 оилага мўлжалланган 2 та 3 қаватли турар жой бинолари корхонамиз ишчи-хизматчилари томонидан бунёд этилмоқда. Бундан ташқари, Инвестиция дастури доирасида туман ХТБга қарашли 21-сонли умумтаълим мактаби учун 216 ўринли қўшимча бинони 2018-2019 ўқув йили арафасида фойдаланишга топширдик. Ижтимоий соҳа объектларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш борасида корхонамиз томонидан 4 миллиард 670 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Мана, Янги 2019 йил ҳам эшик қоқмоқда. Одатда бундай кезларда ҳар бир киши ортда қолаётган йил давомида шахсий ҳаётида ёки меҳнат жамоаси томонидан эришилган ютуқлар, улгурмай қолинган ишлар ҳақида ҳисоб-китоб қилади, мулоҳаза юритади. Янги йил остонасида туриб, яхши ниятларни амалга ошириш режасини тузади. Биз ҳам янги йил бўсағасида ўз олдимизга бир қатор эзгу ишларни бажаришни мақсад қилдик.

Янги йил барчамиз учун қутлуғ келсин! Она-диёримиз осмони ҳамиша тиниқ бўлсин! Озод Ватанимизнинг обод масканлари йилдан-йилга кўпайиб, меҳмондўст халқимизнинг турмуш фаровонлиги янада яхшилансин! Биз, қурувчилар эса халқимиз фаровонлиги учун хизмат қилувчи иншоотлар бунёд этишдан асло чарчамайлик!

**Шуҳратжон АБДУЛЛАЕВ,**
**Наманган вилоятидаги «Исмоил Ислом қурилиш» МЧЖ раҳбари.**

# Остонадаги уйлар

**2018 йил мамлакатимизда обод қишлоқ ва маҳаллалар йили бўлди десак, асло муболаға бўлмайди. Сабаби, давлатимиз раҳбарининг фармон ва қарорлари асосида шаҳар ва туманлар марказлари қиёфаси тубдан ўзгариб, гўзаллик касб этмоқда. Ҳашаматли, муҳташам бинолар қурилиб, қишлоқ ва кентларимиз чиройига чирой қўшилмоқда.**

Булунғур тумани ҳам бугун кечагидан кескин фарқ қилади. Янги мактаб ва боғчалар қурилмоқда, мавжудлари қайта таъмирланиб янгича, замонавий қиёфа касб этмоқда. Инвестиция дастурига асосан, «Оқтош» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги қишлоқ оилавий поликлиникаси, бир неча мактаблар бинолари қурилиши янги йил арафасида тугалланиб, фойдаланишга топширилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 28 июндаги 488-сонли қарори асосида Булунғур туманидаги ўсмир болалар спорт мактаби қошидаги «Минг чинор» ўйингоҳида 18x42 ўлчамдаги, 42-сон умумтаълим мактабида 12x24 ўлчамдаги спорт заллари қурилди. Тумандаги 5-, 8-сонли мактабгача таълим муассасаларида қурилиш-таъмирлаш ишлари тугалланди.

«Обод қишлоқ» дастури асосида Қизилқўрғон, Каттақишлоқ қишлоқлардаги 27-, 70-, 3-сонли умумтаълим мактаблари, 110 ўринли мактабгача таълим муассаси, 50 ўринли ҚВП бинолари қайта таъмирланди. Маҳаллалар ҳудудидаги сув иншоотлари ва сув тармоқлари қурилиши тугалланиб, фойдаланишга топширилди.

Биргина 2018 йилнинг ўзида «Меъмор» ХФ, «Амиржон комфорт стил» МЧЖ, «Барно люкс сервис» КК, «Гашсан Лазиз» МЧЖ, «Турон» КТК, «Булунғур Дизайн» МЧЖ, «Оқдарё қурувчи савдо» МЧЖ, «Булватергол» ХК, «Мансур сифат қурилиш» МЧЖ, «Ясмина Нур сервис» МЧЖ қурилиш ташкилотлари томонидан 24 миллиард 713 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Булунғурликлар янги йилни ана шундай муносиб ютуқлар билан кутиб олишяпти.

Ишонамизки, келгуси йилда ҳам туманимиз бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари натижасида бундан-да гўзал ҳусну тароватга эга бўлади.

**Раббим ҲОЛЖИГИТОВ,**
**Булунғур тумани ҳокимининг Саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникация ва коммунал масалалари бўйича ўринбосари.**



Навоий шаҳрида вилоятдаги илк «Yoshlar tadbirkorlar» коворкинг маркази очилди.







# Обод манзиллар кўпаймоқда

**Самарқанд шаҳрининг «Фарҳод» қўрғонида «Обод маҳалла» дастури доирасида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.**

Дастур асосида қўрғондаги Ширин, Чўпон ота, Бунёд маҳаллаларида қурилиш-ободонлаштириш ишлари авжида. Шаҳар ҳокимлигидан берилган маълумотларга кўра, дастлаб ҳududнинг электр энергияси таъминотидаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида 2 та янги трансформатор ўрнатилиб, 6 таси мукаммал таъмирланди. Жами 4,2 км. узунликдаги кабеллар реконструкция қилинди. Аҳолини табиий газ билан таъминлаш мақсадида 5 та газ тақсимлаш пункти (ГРП) ҳам таъмирланди. Тоза ичимлик суви билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш ҳамда аҳолининг сувга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида Ширин маҳалласи учун 2,5 км., Чўпон ота маҳалласи учун 1,8 км. сув қувурлари ётқизилмоқда.

Ҳududдаги ноқонуний қурилишларни бузиш, ижтимоий соҳа объектларини яхшилаш, кўп қаватли уйларнинг том қисми, йўлакларини таъмирлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чўпон ота маҳалласидаги 20 та, Бунёд маҳалласидаги 10 та, Ширин маҳалласидаги 3 та кўп қаватли уйнинг том қисми тўлиқ тунука қопламаси билан ёпилди. Фасади, кириш йўлаклари ва ички муҳандислик тармоқлари таъмирланмоқда. Кўп қаватли уйлар атрофидаги ноқонуний қурилишлар бузилиб, чиқиндилардан тозаланди. 2500 дан ортиқ манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Шунингдек, тўй-маросимлар ўтказиш учун айвон, автомобиллар турар жойи, болалар майдончалари қуриш ишлари бошланди.

Ширин маҳалласи ёшлари қарийб 4 километр йўл босиб, Бунёд маҳалласидаги 57-умумтаълим мактабига қатнар эди. «Обод маҳалла» дастури доирасида айни масала ҳам эътибордан четда қолмади. «Универсал иншоот строй» қурилиш корхонаси томонидан Ширинда 1 миллиард 206 миллион сўм эвазига 120 ўринли 57-умумтаълим мактаби филиали қурилди. Ушбу муассасада энди 1 – 4-синф ўқувчилари таълим-тарбия олади.

Шунингдек, Ширин маҳалласида «Улуғбек капиталь қурилиш» корхонаси томонидан 100 ўринли мактабгача таълим муассасаси қурилмоқда. Чўпон ота маҳалласидаги 63-МТМ ҳам «Нурли Оби Зилол» қурилиш корхонаси қурувчилари томонидан тўлиқ реконструкция қилинаётир.

– Маҳалламизда мактаб ва мактабгача таълим муассасаси қурилганидан жуда хурсандмиз, – дейди Ширин маҳалласида яшовчи Неъмат Раҳматуллаев. – Икки набирамни боғчага, иккисини мактабга 5 километр масофа йўлга олиб бориш, олиб келиш муаммо эди. Айниқса, ёғин-сочин кунлари минг азоб билан борардик. Мана, энди маҳалламизда янги мактабгача таълим муассасаси, мактаб филиали бор. Йўллар ҳам таъмирланиб, маҳалламиз обод масканга айланмоқда.

Бундай бунёдкорлик ишларидан руҳланиб, тадбиркор ва ишбилармонлар ҳам ҳudud фаровонлигига ҳисса қўшишга ҳаракат қилмоқда. Тадбиркор Лутфулло Фаттоев «Savdogarbank» Самарқанд филиалидан олган 80 миллион имтиёзли кредити асосида Ширин маҳалласи ҳududида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси, ҳаммом қуришга киришган. Ғайрат Ҳайдаров эса Чўпон ота маҳалласида 30 ўринли ҳаммом қуриб, фойдаланишга топширди. «Orient finans bank»дан олинган 300 миллион сўмлик имтиёзли кредит унга мадад бўлди. Тадбиркор Хайри Садуллаев шу маҳалла ҳududидаги эски ва қаровсиз бинолар ўрнида ўз маблағи ҳисобидан савдо ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси барпо этмоқда.

– Ҳududда белгиланмаган жойларда чиқинди тўпланиб қолишининг олдини олиш ва ўз вақтида олиб чиқиб кетишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди «Мароқанд обод» ДУК директори ўринбосари Шамсиддин Ҳасанов. – Жумладан, дастур доирасида шаҳарча ҳududида 5 та замонавий чиқиндихона қурилиши режалаштирилган. Уларнинг 3 таси қуриб битказилди, 2 тасида эса иш давом этмоқда.

Обод манзилларни кенг ва равон йўлларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан, Ширин ва Чўпон ота маҳаллалари ҳududидаги 7,38 километрлик ички йўлларга асфальт ётқизиш ишлари якунланиш арафасида.

**Алишер ИСРОИЛОВ (ЎзА) олган суратлар.**

«Yoshlar – kelajagimiz» Давлат дастури – амалда

# Байрамга муносиб совға

**Андижон шаҳрининг Чўлпон шоҳкўчасида муҳташам Ёшлар маркази биноси фойдаланишга топширилди.**

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил июнь ойида Андижон вилоятига ташрифи чоғида берган топшириқларига асосан бунёд этилган Ёшлар маркази очилишига бағишланган тадбирдакенг жамоатчилик вакиллари, ёшлар иштирок этди.




Тадбирда сўз олган Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари А. Саъдуллаев, Андижон шаҳар ҳокими Д. Раҳматуллаев ва бошқалар Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда ёшларнинг ҳар томонлама баркамол улғайиши, истеъдод ва салоҳиятини кенг намоён этиши учун замонавий шароитлар яратилаётганини таъкидлади.

Барча қулайликларга эга фаоллар зали, конференция ва форумлар зали, ахборот-ресурс маркази, «Yosh tadbirkorlar» коворкинг маркази ҳамда 500 ўринли асосий залдан иборат марказ биноси Андижон шаҳридаги «Қишлоқ қурилиш» масъулияти чекланган жамияти қурувчи ва мутахассислари томонидан барпо этилди. 2017-2018 йиллар давомида олиб борилган қурилиш-реконструкция ишларига 11 миллиард сўмдан зиёд, жиҳозлаш учун 1,5 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Энди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Андижон вилояти кенгаши ҳам мазкур бинода фаолият кўрсатади, шунингдек, келгусида компьютер саводхонлиги, инглиз, рус, корейс тиллари, шахмат-шашка, тасвирий санъат, пазандалик, рақс, театр, ёш журналистлар, умуман, 6 йўналишда қирққа яқин тўгарак, фитнесс клуб, диний-маърифат, психологик ёрдам кўрсатиш маркази фаолияти йўлга қўйилади. Қарийб 1,5 минг нафар йигит-қизни машғулотларга жалб этиш имконияти яратилади.

– Марказнинг фойдаланишга топширилиши Янги йил байрами олдидан ёшлар учун ажойиб байрам туҳфаси бўлди, – дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши раиси Ойбек Йўлдошев. – Марказ ёшлармизга янада кенг имкониятлар эшигини очиб беради. Биз, ёшлар кўрсатилаётган бундай эътиборга жавобан юрт равнақи йўлида янада фаол бўлишга ҳаракат қиламиз.



Тадбир доирасида «Ёшлар – келажагимиз» Давлат дастури доирасида ўз тадбиркорлигини йўлга қўйган ҳунарманд ёшлар эришган ютуқлар ҳамда улар томонидан ишлаб чиқарилаётган, тайёрланаётган маҳсулотлар кўргазмалари, шунингдек, бир гуруҳ ёшларнинг истиқболли бизнес-лойиҳалари тақдимоти ўтказилди. Ёшлар бадиий жамоалари, ёш ижодкорлар, спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари барчада катта таассурот қолдирди.

Тадбир якунида намойиш этилган гала-концерт йиғилганларга янада кўтаринки кайфият бағишлади.

**Фахриддин УБАЙДУЛЛАЕВ, ЎзА мухбири.**

# Маҳаллий хом ашёдан сифатли маҳсулот



**Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак тумани «Қўйбоқ» қишлоқ фуқаролар йиғини «Жамансай» участкасида «Титан цемент» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси томонидан йилига 200 минг тонна цемент ишлаб чиқариш корхонаси ишга туширилди. Лойиҳанинг умумий қиймати 37,8 миллион АҚШ доллари.**

– Маҳаллий хомашёдан фойдаланган ҳолда юқори маркали цемент ишлаб чиқариладиган корхонамизда 200 дан зиёд киши доимий иш билан таъминланган. Мўйноқ туманидаги табиий кўлларда ўсадиган қамишдан яна бир қурилиш материали ДСП ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни режалаштирганмиз, - дейди «Титан цемент» қўшма корхонаси бошқаруви раиси Бахтиёр Панаев.

Янги лойиҳанинг амалга оширилиши яна 200 кишини иш билан таъминлаш имконини беради.

**Суратларда:** «Титан цемент» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасида.

**Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

**Жиззах вилоятининг Пахтакор туманида Янги йил арафасида қуриб битказилган «Ёшлар меҳнат гузари» ҳudud ёшларига чинакам байрам совғаси бўлди.**

# Пахтакорда «Ёшлар меҳнат гузари» иш бошлади

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда «Yoshlar kelajagimiz» Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

Тадбиркор Жамшид Самаров раҳбарлик қилаётган «VIOLLA» масъулияти чекланган жамияти тижорат банкининг 400 миллион сўмлик кредити кўмагида «Ёшлар меҳнат гузари»ни қисқа муддатда қуриб битказди. Иншоотда барча қулайликлар яратилган. 8 та хизмат кўрсатиш тадбиркорлик субъекти фаолияти йўлга қўйилиб, 40 та янги иш ўрни яратилди.

Гузарда бичиш-тикиш цехи, гўзаллик салони, олий таълим муассасаларига тайёрлов ўқув маркази, мини-маркет каби ёшлар учун зарур савдо, маданий-маърифий, маиший хизматлар кўрсатилади.

– Ёшлар иттифоқи кўмагида тикувчилик цехи очиш учун 165 миллион сўмлик банк кредити олдим, – дейди тадбиркор Дилрабо Сайфуллаева ЎзА мухбири Тошқул Бекназаров билан суҳбатда. – «Ёшлар меҳнат гузари»дан жой берилиши менга қўшимча қулайлик яратади. Замонавий тикув машиналари ўрнатилган устахонамизда 15 нафар хотин-қиз ишли бўлди. Келаси йили маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини янада кенгайтиришни мақсад қилганмиз.

Туманда 2018 йилда «Yoshlar – kelajagimiz» Давлат дастури доирасида тадбиркорликни ривожлантириш учун 1 миллиард 265 миллион сўм кредит маблағи ажратилган. Шуниng ҳисобидан 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган 12 нафар ёш тадбиркор ҳозиргача 77 та иш ўрни яратди.

Дастурга мувофиқ, туманда 2019 йилда яна иккита «Ёшлар меҳнат гузари» барпо этиш режалаштирилган. Айни пайтда ушбу янги гузарларнинг жойи, уларга сарфланадиган маблағ аниқ, қурувчилар билан келишиб қўйилган.

# Экспортёр корхоналарга кўмак

**Сурхондарё вилоятида маҳаллий маҳсулотларни ташқи бозорга чиқаришнинг комплекс тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Президентимизнинг 2018 йил 11 сентябрдаги «Ҳududларда тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини жадал амалга оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

Мазкур ҳужжат ижроси доирасида вилоят божхона бошқармаси томонидан ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, янги корхоналар барпо этаётган, замонавий технологиялар асосида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариб, ички бозордан ортганини хорижга экспорт қилишни мўлжаллаётган тадбиркорлар фаолияти ўрганилаётир. Импорт ва экспорт жараёнлари билан боғлиқ муаммоларга дуч келган бўлса, уларни ечишга кўмаклашилмоқда.

Вилоят божхона бошқармаси бошлиғи Т. Саидов ва бир гуруҳ божхона ходимларининг «Шеробод Агро Импекс» МЧЖ томонидан барпо этилаётган замонавий иссиқхона қурилиши билан танишуви ҳам ана шу мақсадга қаратилди. Божхоначиларнинг тадбиркорлар билан учрашуви чоғида давлатимиз томонидан экспорт салоҳиятини янада ошириш учун яратилаётган қулай муҳит ҳақида атрофлича сўз юритилди.

Шеробод тумани Ғуржак-1 маҳалласи ҳududида 23 гектар ерда бунёд этилаётган иссиқхона қурилишига 15,4 миллион доллар маблағ сарфланмоқда. Келаси йили ишга тушуриладиган иссиқхонада 150 дан ортиқ иш ўрни яратилиб, йилига 3 минг 300 тонна экспортбоп помидор ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирилади.

– Эртачи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини парваришлаш учун қулай иқлимга эга воҳада қад ростлаётган бу иссиқхона ҳам ҳududнинг экспорт салоҳиятини оширишда муҳим ўрин тутади, – дейди вилоят божхона бошқармаси жамоатчилик ва ОАВ билан алоқалар гуруҳи инспектори Шоҳрўз Ўролов ЎзА мухбири Холмўмин Маматрайимовга. – Жумладан, тадбиркорлар иш бошлаган дастлабки йилда МДҲ ва Болтиқбўйи давлатларига 3 миллион 495 минг доллар қийматидаги 1 минг 155 тонна сифатли маҳсулот экспорт қилишни мўлжалламоқда. 2021 йилга бориб, иссиқхонанинг йиллик экспорт қуввати икки баробар ошади.

# Ташаббусларни қўллаб-қувватловчи марказ

**Навоий шаҳрида вилоятдаги илк «Yoshlar tadbirkorlar» коворкинг маркази очилди.**




Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ташаббускор ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

«Yoshlar – kelajagimiz» Давлат дастури доирасида фаолият бошлаган замонавий марказ ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, ғоя ва лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш, жумладан, бизнес-режа ишлаб чиқиш, ҳуқуқий маслаҳат бериш, бухгалтерия ва бошқа хизматлар кўрсатиш, форум, семинар ва маҳорат дарслари ташкил қилиш борасида ёшларга қулай имконият яратиши таъкидланди.

Тадбиркор Суннатилло Исроилов томонидан 2 миллиард 200 миллион сўм эвазига барпо этилган бино 4 қаватдан иборат.

– Тенгдошларим ва малакали ишбилармонлар ҳамкорлигида ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадида мазкур лойиҳани бошладим, – дейди тадбиркор С. Исроилов ЎзА мухбири Н. Раҳимовга. – Иншоотнинг биринчи қаватида коворкинг маркази, юқори қаватларда эса аёллар фитнес клуби ҳамда хорижлик инвесторлар учун барча қулайликларга эга офис ташкил қилинади. Марказ тўлиқ фаолият бошлагач, 20 нафар ёш иш билан таъминланади.

Жорий йилда Навоий вилоятида «Yoshlar – kelajagimiz» Давлат дастури доирасида 150 нафар ёш тадбиркорни қўллаб-қувватлаш мақсадида 17 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Марказнинг очилиш маросимида вилоят ҳокими Қ. Турсунов сўзга чиқди.

Янги йил ҳаммамизга қутлуғ келиб, кўнгиллардаги эзгу тилаклар, барча режалар рўёбга ошсин! Омад, бахт, қувонч ҳамиша ҳамроҳ бўлсин!



Тахмина ТУРДИАЛИЕВА:

# «Олий мақсадим – дунё архитектурасида янгилик яратиш»

**Газетамизнинг аввалги сонида ўзбекистонлик ёш архитектор, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳибаси Тахмина Турдиалиеванинг «Turkistan Architect Awards» халқаро танлови ғолибаси бўлгани ҳақида хабар қилган эдик. Айни пайтда Хитой компанияси архитектори сифатида фаолият юритаётган ҳамюртимизнинг лойиҳалари ҳамда келгуси режалари билан яқиндан танишиш мақсадида унга мурожаат қилдик.**



**– Тахмина, аввало танловга тақдим этган лойиҳангиз ҳақида батафсилроқ гапириб берсангиз.**

– Қозоғистон Республикасининг Туркистон шаҳри 2017 йилда «Туркий халқлар маданий маркази», деб эълон қилинганидан сўнг шаҳар маъмурияти томонидан уни ободонлаштириш, баъзи ҳудудларини қайта қуриш бўйича дастур ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур дастурдан архитектуранинг 15 йўналиши бўйича танлов ташкил этиш ҳам ўрин олган эди. Танловда дунёнинг таниқли архитекторлари қатнашиш истагини билдиргани менда озгина ҳадик уйғотган бўлса-да, туркий халқ вакили сифатида унда иштирок этишни ўз бурчим деб билдим. Танловда «Ёшлар саройи» биноси лойиҳаси билан қатнашдим. Лойиҳани ишлаб чиқиш давомида бино шаклини «ўсиб бораётган ҳаракат» кўринишида тасвирлашга ҳаракат қилдим. Зеро ўсиш, интилиш, прогресс – буларнинг ҳаммаси ёшларга хос бўлган хусусиятлардир. Ушбу хусусиятларни 3D кўринишида акс эттирдим. Бино 4 та корпусдан иборат. Корпуслар ягона фасадга эга бўлгани ҳамда битта том билан ёпилгани учун ташқаридан қараганда ягона бинодек кўринади. Ёғочли «парда»дан иборат иншоотнинг фасад қисми миллий ёғоч ўймакорлиги намуналари билан безатилган.

Корпус орасида очиқ майдончалар мавжуд бўлиб, ягона том ва «ёғочли парда» мазкур майдончаларни қишда шамол ҳамда ёғин-сочиндан, ёзда эса қуёшдан сақлайди. Майдончаларда ёшларнинг ҳар хил тадбирларини ташкил этиши учун барча шароитлар яратилган. Эътиборлиси, бино томи бўйлаб сайр қилиб, тепаликдан ён-атрофни томоша қилиш имконияти мавжуд.

**– Архитектура соҳасида ишлашингизга ким сабабчи бўлган?**

– Бу ўзимнинг танловим. Мактабда ўқиб юрганимда расм чизишга, ҳар хил нарса-буюмлар дизайнини яратишга қизиқардим. Лекин дизайн соҳасининг битта йўналишини танлашга келганда иккиланиб қолардим. Йиллар давомида либос, графика, интерьер дизайнлари билан шуғулланиб кўрдим. Охири, архитектура дизайни йўналишида фаолият юритишга қарор қилдим.

**– Тахмина Турдиалиева қандай қилиб Хитой компанияси архитектори бўлиб қолди?**

– 2013 йил Тошкент архитектура-қурилиш институтини битирганимдан сўнг ўқишни давом эттириш мақсадида Хитойга йўл олдим. 2017 йил шу ердаги Huazhong University of Science and Technology олийгоҳининг магистратура бўлимини тамомладим. Ўқиш давомида учта компанияда амалиёт ўтадим. Улар орасида ҳозирги иш жойим – «CUBE DESIGN» ҳам бор эди. Магистратурани битирганимдан сўнг, ушбу компания раҳбарияти мени ишга таклиф қилди. Хитойда қолиб ишлашимдан мақсад – халқаро тоифадаги архитектор сифатида шаклланиб, Ўзбекистон архитектурасини ривожлантиришга ҳисса қўшиш. Олий орзуларимдан бири – дунё архитектурасида янгилик яратишдан иборат. Аммо ўша лойиҳани айнан Ўзбекистонда ҳаётга татбиқ этишни ният қилганман. Ўз навбатида, кейинги йилларда бошқа соҳалар қаторида Хитойда архитектура ҳам тезкор суръатда ривожланиб бораётганини айтиб ўтиш жоиз. Шунинг учун ҳам дунёнинг энг машҳур архитекторлари бугун ўз ғояларини шу мамлакатда амалга ошириш пайида бўлмоқдалар.

**– Архитектуранинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида нималар дея оласиз?**

– Архитектура мураккаб соҳа. Йилдан-йилга ўзгариб бораётган компьютер дастурлари, инновацион ғоялар, янги қурилиш технологиялари, қурилиш материаллари... Архитектор буларни ҳаммасини кузатиб ва ўрганиб бориши керак. Соҳанинг қийин жиҳатлари жуда кўп. Лекин яратилган лойиҳалардан олинадиган завқ ундан ҳам ортиқ. Шунинг учун ҳам ўз касбимни жуда яхши кўраман.

**– Тилакларингиз...**

– Барча ҳамюртларимни, шу жумладан, ҳамкасбларимни эшик қоқиб турган Янги йил байрами билан чин қалбимдан табриклайман. 2019 йил ва ундан кейин мамлакатимиз ҳудудида янги бино-иншоотларни бунёд этиб, унинг қиёфасини янада кўркам қилишга ҳисса қўшишни мақсад қилган жонкуяр қурувчиларга омад ёр бўлишини тилаб қоламан.

**Шуҳрат ХЎЖАЕВ суҳбатлашди.**



**Мустақиллик тенгдошиман. 1991 йил Тошкентда туғилганман. Қурувчилик касбини эгаллашимга, ушбу фаолиятни тадбиркорлик билан уйғунлаштиришимга йиллар давомида шу соҳада ишлаб, тажриба орттирган инсон ҳам ўз акам, ҳам устозим – Жаҳонгир Абдуллаев сабабчи бўлган.**



## Кичкина деманг бизни...

Корхонамиз 2017 йилда ташкил этилган. 2018 йилда дастлабки йирик буюртмамиз – Сергели туманидаги иккита етти қаватли уйни қуриб, фойдаланишга топширдик. 2019 йилда ана шундай уйлардан яна 12 тасини қуришни мақсад қилганмиз.

Ҳозир корхонамиз ихтиёрида 6 та минорали кран, 5 та экскаватор, 5 та самосвал каби 20 дан ортиқ техника мавжуд. Қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишдан ташқари, корхонамизда қуруқ қурилиш қоришмаларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз. Орзуларим кўп. Яқин икки-уч йилда фаолиятимизни кенгайтиришни, жумладан, бошқа қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, корхона моддий-техника базасини янада бойитиш, шу тариқа амалга ошириладиган қурилиш-монтаж ишлари кўламини оширишни мақсад қилиб қўйганмиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бутун Ўзбекистон аҳлини, шу жумладан, шаҳару қишлоқларимизни обод қилаётган ҳамкасбларимизни Янги йил байрами билан муборакбод этаман. 2019 йил барчамизга қутлуғ келсин. Меҳнатсевар юртдошларимиз хонадонидан файзу барака, дастурхонидан тўкин-сочинлик аримасин!

**Миразизхон АБДУЛЛАЕВ, «GRATIS BUILDINGS» масъулияти чекланган жамияти директори.**








Янги йил ҳаммамизга қутлуғ келиб, кўнгиллардаги эзгу тилаклар, барча режалар рўёбга ошсин! Омад, бахт, қувонч ҳамиша ҳамроҳ бўлсин!



# Турли халқларнинг турфа одатлари

**Янги йилнинг кутиб олиниши турли халқларда турлича одатлар ва иримлар билан боғлиқ бўлар экан.**



Италияликлар Янги йил байрамида эски дазмол ва стулларни деразаларидан улоқтиришади;

панамаликлар имкон қадар баланд овозда шовқин солишади, шу мақсадда бақиришади, ҳуштак чалишади, машиналарда сигнал беришади ва ҳоказо;

Эквадор аҳолиси бу байрамда кийиладиган ички кийимларга эътибор беришади, чунки улар айнан ички кийимлар муҳаббат ва давлат олиб келишига ишонишади;

Бирмада Янги йилни 1 апрелда нишонлашади. Бу пайт ўта жазирама бўлгани боис, Қорбобо ва Қорқиз... чўмилиш кийимида юриб совға тарқатади;

Вьетнамда бу байрам янада қизиқарли кечади – маҳаллий аҳолининг қадимий ақидаларига кўра, янги йил карп балиғи елкасига мингашганча сузиб келар эмиш. Шу сабабли вьетнамликлар ҳар янги йил арафасида тирик карп сотиб олиб, байрам куни уни ҳовуз ёки дарёга қўйиб юборишади. Байрам рамзи ҳам арча эмас, балки гуллаётган шафтоли новдаси бўлиб, кишилар бундай новдаларни ўз уйларига илиб қўйишади, бир-бирларига совға қилишади;

Янги йилни янги кийимларда кутиб олиш, муздан ҳайкал ва қасрлар қуриш анъанаси Японияда бошланган. Кунчиқар юрт вакиллари бу байрам арафасида хаскаш сотиб олишади. Уларнинг ишончларига кўра, айни хаскаш кириб келаётган йилда хонадонга фаровонлик олиб келар эмиш;

Англияда Янги йил кириб келадиган пайт – қоқ ярим тунда соат бонг уриши билан қилинадиган амаллар бор. Соатнинг биринчи бонгида инглизлар ўз уйларининг орқа эшикларини очиб, эски йилни «кузатиб қўйишади». Ўн иккинчи бонг янграши билан уйнинг олд эшикларини очиб, янги йилни кутиб олишади;

кубаликлар мазкур байрам арафасида уйдаги барча идишларга сув тўлдириб қўйишаркан. Янги йил кириб келиши билан ана шу сувларни кўчага сепишади – эмишки, шу билан уларнинг барча гуноҳлари ювилиб кетаркан;

Грецияда хонадон бошлиғи Янги йил тунида кўчадан туриб, ўз уйи деворига анор мевасини улоқтиради. У деворга текканида ёрилиб, доналари қанчалик кўп ва узоққа сачраса, келаётган йил шунча омадли бўлишига ишонишади;

Сайёрамизнинг жанубий яримшаридаги кўпгина мамлакатларда Янги йилда арча эмас, балки эвкалипт дарахтларини безатишади. Ахир, бу пайтда у ерларда жазирама ёзнинг қоқ ўртаси бўлади-да!

**Интернет материаллари асосида тайёрланди.**

*Муҳаммад Юсуф,*
*Ўзбекистон халқ шоири*

## Янги йил кечаси

Кўнгил маъюс тортди йилнинг сўнгида,
Билмам, нимангг билан сеҳрладинг, қор.
Бугун куппа-кундуз кўзим ўнгида,
Яна бир ёшимни ўғирладинг, қор.
Қирқинчи қасримга ўтайми энди,
Кечаги ёшлигим эртакми энди?..

Баҳорим етгудек қўлим узатсам,
Етолмай дилимни не деб юпатсам.
Лайлакқор, азизим, ғалат байрам бу –
Кулиб кузатсамми, йиғлаб кузатсам...
Дардим жим ичимга ютайми энди,
Кечаги ёшлигим эртакми энди?

Сўрсанг, севинчимдан ўкинчим кўпроқ,
Сендан-да кумушроқ сочимдаги оқ.
Йилим келмай туриб, йилим кетмоқда,
Кўзда табассум-у киприкда титроқ.
Мен ҳам сал шошдим-да, қайтайми энди,
Кечаги ёшлигим эртакми энди?

Янги йил,
Келавер қандай келсанг ҳам,
Кимлар етди сенга, кимлар етмади.
Сен янги йўлдошсан, сен янги ҳамдам,
Йўқлаб келганингни ўзи бир байрам.
Қулоғингга бир гап айтайми, энди,
Кечаги ёшлигим эртакми, энди...

*Абдулла Орипов,*
*Ўзбекистон халқ шоири*

## Чироқ

Ҳамма ёқ чароғон бўлибди,
боққин,
Байрам арчасига шодалар таққин.
Қўлингдан келса гар,
битта чироқни
Менинг кўнглимга ҳам, азизам,
ёққин.

2014 йил 4 январь

* * *

## Хуш келибсан, Янги йил!

Яна келдинг ҳадяга тўлиб,
Кутмоқдайдик сени интизор.
Қадамингдан миннатдор бўлиб
Зарра-зарра тўкилади қор.
Хафамасмиз бобо йилдан ҳам,
Қувонтирди у бизни қанча:
Конфетини кўришдик баҳам
Ва қўшиқлар ўргандик анча.
Ниҳол ўсди, қурилди қаср,
Фазоларга қилдик сафарлар.
Ўша йили туғилди ахир
Бизнинг қанча ўринбосарлар.
Сени асло унутмагай дил,
Хайр энди, хайр, йил бобо.
Симобдайин типирлар кўнгил,
Янги йилга энди марҳабо,
Энди уни қутлаб зиёда
Манзилига жадал элтамиз.
Кирмоқ учун кечки кинога
Ўн олтига тезроқ етамиз.
Йўл оламиз мактабга қатор
Бу йил энди биринчи карра.
Мактаб йўли, дўстлар, фазокор
Парвозидан кам эмас зарра.
Боғчаларга эмаклаб оз-оз
Яна келар янги қисмимиз.
Улғаяди ёшимиз бир оз,
Ўзгармайди аммо исмимиз.

1965 й.

# БАЙРАМ ЛАТИФАЛАРИ

Янги йилга буюртма қилинган Қорбобо болага совғани бериб бўлгач, болакай унинг юзига боплаб туширибди. Қорбобо ҳайрон бўлса, бола:

– Бу ўтган йили келмаганинг учун, – дермиш.

* * *

Байрам арафасида бола бор овози билан бақиряпти:

– Қорбобожон, менга байрамга велосипед совға қилинг!

– Бунчалик қичқириш шартмас, – дейди ойиси. – Қорбобо ҳатто шивирлаганингни эшитади.

– Тўғрику-я, лекин дадам қўшни хонага кириб, эшикни ёпиб олган-да, эшитмай қолиши мумкин.

* * *

Болакай совға берган Қорбобога миннатдорлик билдиряпти:

– Қорбобожон, менга келтирган совғаларингиз учун... ҳалиги... катта раҳмат!

– Арзимайди, болажоним!

– Менимчаям арзимайди ўзи. Лекин ойим шунақа дегин, деган-да.

* * *

Почтага хат келиб тушибди. Қарашса, Қорбобога атаб бир бола юборган хат экан. Уни қаерга жўнатишни билмасдан, очиб ўқиб кўришибди, унда шундай ёзилган экан: «Қорбобожон, мен совуқ жойда яшайман, иссиқ кийимим йўқ, ота-онам олиб беришмаяпти. Кўчага чиқиш учун пальто, этик, телпак ва қўлқопим йўқ. Илтимос, Қорбобожон, менга Янги йил байрамига совға қилиб шулардан биттагинадан олиб келинг!»

Почта ходимлари, савоб иш қилиш ниятида, ҳар ким имкониятига яраша пул йиғишибди ва бола сўраган кийимларни олишга боришибди. Аммо пул бироз камлик қилиб, қўлқопга етмай қолибди. Ноилож борини бир қути қилиб, манзил бўйича жўнатишибди.

Янги йилдан сўнг ўша боладан яна хат келибди, албатта, Қорбобога аталган. Почтадагилар очиб ўқишибди: «Раҳмат, Қорбобожон! Совғаларингизни олдим, лекин қўлқопи етиб келмабди. Ҳойнаҳой, почтадагилар олиб қолишган бўлса керак...»

* * *

Арча бозоридаги эълон:

«Харидорлар, тўғри тушунинг: кимнинг уйида ясама арча турган бўлса, уникига байрамга қалбаки совғалар билан сохта Қорбобо келади!»

* * *

1 январь куни туш пайти телефон жиринглаб қолибди. Кечаги байрамдан сўнг ҳали уйқудан уйғонмаган Афанди зўрға кўзини очиб, аввал соатига қарабди, кейин гўшакни олиб бақирибди:

– Ким ўзи бу, саҳарлаб ўн учу ўттизда безовта қиладиган?

* * *

Янги йил байрамида суғурта компаниясига қўнғироқ бўляпти:

– Айтинг-чи, телефон орқали уйимизни суғурта қилдирсак бўладими?

– Йўқ, лекин жуда хоҳласангиз, биз ҳозироқ вакилимизни жўнатишимиз мумкин, у сиз билан шартнома тузиб келади.

– Бўлади, фақат тезроқ келсин! Бизда аллақачон арча ёниб, гилам ҳам тутай бошлади!

* * *

Янги йил дастурхонида стол устидан вилка тушиб кетибди, аммо Афанди уни полга тушмасиданоқ ушлаб қолишга улгурибди.

– Худога шукр, энди ҳеч қандай меҳмон келмайди!

Шу пайт хонадоннинг кичкина қизи чопиб кирибди:

– Дада, дада! Холам лифтда қисилиб қолибдилар!






# «Янги йил» кроссворди



**ЭНИГА**: 1. «....-ота» – пойтахтимизда барпо этилаётган зиёратгоҳ мажмуаси. 4. Қурилиш материали. 6. ... – аломати ризо. 9. Боғловчи сўз. 10. ...-де-Жанейро. 11. Ривоят айтувчи. 12. Икки қаватни боғловчи қурилма. 13. Мушук лақаби. 14. Йўлнинг пиёдалар ўтадиган қисми. 18. Ҳалокатга учраган самолётнинг «ҳалоскор»и. 22. Ҳаво кемаси. 25. Яра. 28. «Тангалик болалар» бадиий фильми бош қаҳрамонларидан бири. 29. Рельс бўйлаб юрадиган махсус арава. 32. Тошкентнинг Яшнобод туманида қурилган боғ номи. 35. Адабий йўналиш. 38. Қурилиш ишлари «асорат»и. 40. Фалак. 43. «Янги» маъносини англатувчи сўз. 44. Севги, муҳаббат. 45. Мультфильмдаги сичқоннинг лақаби. 46. Ёзувчи ... Бўтаев. 47. «Шаҳар» маъносини англатадиган, кейинги вақтда янги бизнес марказлари ва турар жой массивлари номига қўшиб қўйилаётган сўз. 48. Пойтахтимизнинг ҳудуди бўйича энг катта тумани. 49. Тиббиёт ходими.

**БЎЙИГА**: 1. Ҳашаматли иншоот. 2. Рост гапга ... йўқ (мақол). 3. Туёқли жонивор. 4. Абу Райҳон Беруний вафот этган шаҳар. 5. АҚШнинг 45-президенти. 6. Эркаклар исми. 7. Миллий спорт тури. 8. Сабр-бардош. 15. «Жуда» сўзининг синоними. 16. Пайғамбар Одам .... 17. Заҳарли ҳашарот. 19. Қурилиш вазирлиги жойлашган кўчага ном берган адиб. 20. Ҳасса. 21. АҚШдаги штат. 22. Девор, қалъа қисми. 23. Мальдив Республикаси пойтахти. 24. Ошхона анжоми. 25. Кийим тури. 26. Уруш, жанг. 27. Қўпол, қўрс. 30. Германиядаги йирик саноат ҳудуди. 31. Он, пайт. 33. Амударёнинг тарихий номларидан бири. 34. Зеб бериш, ўзига қараш. 35. Юнон тилидан таржима қилинганда «халқ» маъносини англатувчи сўз. 36. Бирон нарсани мустаҳкамлашда ишлатиладиган қурилиш материали. 37. Японлар анимацияси. 38. Тўртта йўл туташган жой. 39. Нақш тури. 40. Кечки пайт. 41. Розилик сўзи. 42. Бутуннинг тенг ярми.

Янги йил ҳаммамизга қутлуғ келиб, кўнгиллардаги эзгу тилаклар, барча режалар рўёбга ошсин!
Омад, бахт, қувонч ҳамиша ҳамроҳ бўлсин!

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА ҲУДУДИЙ НАЗОРАТ ИНСПЕКЦИЯСИ ЖАМОАСИ

*барча юртдошларимизни*

*Янги йил*

*байрами билан самимий муборакбод этиб, кириб келаётган 2019 йил мамлакатимиз ва халқимизга улкан муваффақиятлар келтиришини тилайди. Юртимизнинг ободлиги, тараққиёти, халқимизнинг бахт-саодати йўлида олиб бораётган ишларингизда улкан зафарлар тилаймиз, азиз ватандошлар!*

*Yangi yilingiz bilan tabriklaymiz!*

*2019*

InfinBANK

## «Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси» ДУК Қорақалпоғистон филиали жамоаси

*мамлакатимиз аҳолисини яқинлашиб келаётган*

*Янги йил*

*шодиёнаси билан табриклайди. Барчангизга омад ва бахт тилаймиз. Қалбингиздан қувонч, дастурхонингиздан файзу барака аримасин!*

## «O'ZBEKISTON BUNYODKORI» НАШРИЁТ УЙИ ЖАМОАСИ

*барча юртдошларимизни, жумладан, қурилиш соҳаси ходимларини яқинлашиб келаётган*

*Янги – 2019 йил*

*билан самимий қутлайди. Жонажон Ватанимиз тинч, меҳнатсевар, бунёдкор халқимиз ҳамиша омон бўлсин!*

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК!

**Газетанинг навбатдаги сони 2019 йил 5 январь куни чиқади.**

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

**Муассис:** «ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» Нашриёт уйи МЧЖ

**Бош директор – Дилшод Жалолов**

**Таҳрир ҳайъати:**
Ботир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Шухратходжа Хашимов, Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов, Бўрибой Бекмурзаев, Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков, Обиджон Носиров.

**Таҳририят:**
Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
Бош муҳаррир ўринбосари **Абдумуталлиб Ўктамов**
Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**
Мусаҳҳиҳ **Дилфуза Хабибова**

**Таҳририят ҳамкорлари:**
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзқурилишматериаллари» АЖ, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, қурилиш ва лойиҳалаш институтлари.

**Таҳририят манзили:**
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:** (қабулхона) 71-244-21-71, (котибият) 71-244-05-15 (факс), 71-244-15-13, (бухгалтерия) 71-244-22-10, (реклама ва обуна бўлими) 71-244-21-71, 71-244-40-68 (факс).
**E-mail:** uzbunyodkor@umail.uz

**Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:**
**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича:** 90-278-95-87.
**Қашқадарё вилояти бўйича:** 90-720-33-03.
**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича:** 97-459-74-85.
**Самарқанд вилояти бўйича:** 95-560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-1207. 2470 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 5 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**Корхона манзили:**
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – А. Ўктамов.
**Навбатчи** – Ш. Хўжаев.

ЎзА якуни – 02.00. Топширилди – 04.20.

1 2 3 4 5